



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MAHALLA VA OILANI
QO'LLAB-QUVVATLASH
VAZIRLIGI



**Ўзбекистонда COVID-19 вирусининг
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ:
Маҳалла вакилларининг қарашлари**

2020 йил май-июнь ойларида ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича давлат сиёсати соҳасидаги хулосалар ва тавсиялар

МУНДАРИЖА

ҚИСҚАЧА ШАРҲ	2
КИРИШ	Error! Bookmark not defined.
ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ ВА УСУЛЛАРИ	10
АСОСИЙ ХУЛОСАЛАР: COVID-19 КАРАНТИН ЧОРАЛАРИ ТАЪСИРИ	13
1. Фаровонликка таъсири	14
Даромад ва иш ўрнини йўқотиш	15
Нархлар динамикаси	19
Фаровонлик даражасидаги ҳудудий фарқлар	20
Ижтимоий-психологик муаммолар	21
Алоқаларнинг самарадорлиги	22
2. Алоҳида соҳаларга таъсири	22
Хизмат кўрсатиш ва таълим соҳасидаги иш жойларини йўқотиш	23
Асосий товар ва хизматларнинг мавжудлиги	24
Тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти	Error! Bookmark not defined.
Таълим олиш имконияти	Error! Bookmark not defined.
3. Ҳимояга муҳтож аҳолининг ортиши	Error! Bookmark not defined.
Аҳолининг энг кўп зарар кўрган қатламлари	Error! Bookmark not defined.
Заиф қатламлар орасидаги минтақавий фарқлар	Error! Bookmark not defined.
Зарурий ёрдам ва кўмак шакллари	Error! Bookmark not defined.
COVID-19 вирусига чалинган одамларни қоралаш	Error! Bookmark not defined.
4. Хотин-қизларга хос таъсири	Error! Bookmark not defined.
Хотин-қизларнинг ҳақ тўланмайдиган уй юмушлари ва парваришлаш ташвиши	Error! Bookmark not defined.
Оиладаги зўравонлик	Error! Bookmark not defined.
Гендерга таъсирчан етакчиликка эҳтиёж	Error! Bookmark not defined.
5. Маҳаллаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги эҳтиёжларини баҳолаш	Error!
Bookmark not defined.	
Зарур моддий ёрдам шакллари	Error! Bookmark not defined.
Ёрдам сўровлари ва уларни тақдим этиш	Error! Bookmark not defined.
Маҳалла институтини мустаҳкамлаш	Error! Bookmark not defined.
ТАВСИЯЛАР	Error! Bookmark not defined.
1. Маҳаллалардаги аҳолининг иқтисодий фаоллигини ва бандлигини тиклаш бўйича чора-тадбирлар	Error!
Bookmark not defined.	
2. Ижтимоий ҳимоя сиёсатини энг кўп зарар кўрган қатламларга йўналтириш чоралари	Error! Bookmark not defined.
not defined.	
3. COVID-19 нинг хотин-қизларга таъсирини бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар	Error! Bookmark not defined.
not defined.	
4. Маҳалла органларининг COVID-19 га қарши курашиш имкониятини ошириш бўйича чора-тадбирлар	Error! Bookmark not defined.
Error! Bookmark not defined.	
ИЛОВАЛАР. Тадқиқот методологияси	Error! Bookmark not defined.

ҚИСҚАЧА ШАРҲ

Ўзбекистон дунёнинг бошқа мамлакатлари сингари, янги коронавирус (COVID -19) келтириб чиқарган пандемия хавфи остида қолди ва республикадаги биринчи вирус юктириш ҳолати 2020 йил март ойида қайд этилди. Ўз вақтида олиб борилган профилактик тадбирлар¹ туфайли қурбонлар сони кескин кўпайишининг олди олинди ҳамда пандемияга қарши курашга тайёргарлик кўриш учун вақтдан ютилди. Шу билан бирга, мамлакат миқёсида карантин ва чеклов чоралари мажмуини жорий этиш аҳолининг, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларнинг фаровонлигига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади.

БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ҳукуматнинг COVID-19 таҳдидларига қарши қўллаган чораларнинг ижтимоий ва иқтисодий таъсирини баҳолаш учун Ўзбекистон аҳолиси орасида сўров ўтказди. Тадқиқот маҳалла раҳбарларининг фаолиятини таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, унда 3670 респондент иштирок этди. Сўровда маҳалла раислари, уларнинг ўринбосарлари ва мутахассислар қамраб олинди (респондентларнинг 25 фоизи аёллар). 2020 йил май-июнь ойларида ўтказилган тадқиқотда умуммиллий карантиннинг жамоалар, алоҳида тармоқлар, турли ижтимоий гуруҳлар, айниқса, аёлларнинг умумий фаровонлигига таъсири баҳоланди. Шунингдек, маҳаллалардаги энг кўп зарар кўрган аҳоли қатламини тезроқ ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятлари ўрганилди.

1. Тадқиқот шуни кўрсатдики, **пандемия шароитида даромадларнинг сезиларли даражада пасайиши, иш ўринларининг йўқотилиши, иш жойининг йўқотилиши сабабли меҳнат мигрантларининг қайтиши ва “яширин” ишсизликнинг пайдо бўлиши натижасида аҳоли орасида, айниқса, шаҳарларда камбағаллар сони сезиларли даражада кўпайди.** Сўров натижасига кўра, маҳалла аҳолиси дуч келган энг асосий муаммолар даромаднинг пасайиши (респондентларнинг 74%) ва иш жойларининг йўқотилиши (респондентларнинг 58%) эканлиги аён бўлди. Ушбу икки рақам орасидаги фарқ шундан далолат берадики, пандемия нафақат иш ўринларининг бевосита йўқотилишига, балки маош миқдорининг қисқариши, иш ҳақи сақланмаган ҳолда мажбурий таътилга чиқиш ва норасмий иш билан банд бўлганлар даромадининг йўқотилиши натижасида "яширин" ишсизликнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келиши мумкин. Респондентларнинг деярли ярми (44%) маҳаллага қайтиб келган меҳнат мигрантлари сонининг ортганини қайд этди, бу эса мигрантларни қайта ижтимоийлаштириш ва улар учун иш ўрни яратиш борасида жамоалар зиммасидаги юкнинг кўпайишига олиб келди.

Пандемиянинг салбий оқибатлари *шаҳарларда кўпроқ сезилди*. Бир қатор минтақавий кўрсаткичлар Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари каби ҳудудлар учун салбий натижалар билан тавсифланади. Шаҳар аҳолиси орасида иш жойининг йўқотилиши аҳолининг сезиларли қисми учун даромаддан тўлиқ маҳрум бўлиш билан баробардир. Қишлоқ жойларида эса, аксинча, уй хўжаликларида ўз эҳтиёжлари учун чорвалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш каби кўшимча тирикчилик механизмлари мавжуд. Айниқса йирик шаҳарларда уй хўжаликлари бу имкониятдан маҳрум. Шу тарзда, карантин оқибатида шаҳарлардаги қашшоқликнинг ортиш хавфи янада яққол кўзга ташланди.

2. **Пандемия умумий овқатланиш, савдо, қурилиш, транспорт ва пулли хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик ва ўрта корхоналарга кўпроқ салбий таъсир кўрсатди.** Сўров натижаларига кўра иш жойларининг қисқариши энг кўп овқатланиш тармоғида кузатилган (жавобларнинг 80%). Иккинчи ўринда маҳаллий хизматларнинг бошқа турлари (58%), ундан кейин қурилиш тармоғи, савдо ва таълим соҳаси (мактабгача ва умумий таълим мактаблари) ҳамда меҳмонхона бизнеси ўрин

¹ Қаранг: «Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Фармони. <https://lex.uz/docs/4720398>

олган. Кичик ва ўрта бизнес тармоғида ишчи кучининг 78% дан ортиги фаолият юритишини ва улар ЯИМнинг 56% дан кўпроғини ишлаб чиқаришини ҳисобга олсак, уларнинг фаолиятидаги узилишлар бутун мамлакат бўйлаб маҳаллий жамоалар учун салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади.

Бундан ташқари, Ўзбекистондаги меҳнат бозори иқтисодиётнинг турли соҳаларида гендер сегрегациясини намойиш этади. Аёллар барча ижтимоий соҳалардаги ишчиларнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғини (соғлиқни сақлаш, жамоат ишлари ва таълим соҳаси биргаликда) ҳамда меҳмонхона ва овқатланиш тармоғида ишлаётганларнинг ярмидан кўпини ташкил этади. Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш ва таълим соҳасидаги иш жойлари йўқотилишининг юқори даражаси аёлларнинг иш билан таъминланишига катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

3. COVID-19 аҳоли орасидаги ижтимоий заиф тоифаларни кўпайтирди, бу эса пандемиядан олдин ҳимоясиз ҳолатда бўлган ижтимоий гуруҳларнинг ҳал қилинмаган муаммоларига кўшимча тарзда, мамлакат ижтимоий инфратузилмасига бўлган босимни объектив равишда оширди. Олинган эмпирик маълумотларга кўра, 2020 йил май ойида маҳалла маъмурияти аллақачон ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли сонининг кўпайганини қайд этди. Респондентларнинг ҳар учинчи қисми (33,8%) бу эҳтиёж биров ошади, деб ҳисоблаган. Ҳар ўндан бири эса муҳтожлар сонининг кескин кўпайишини кутган.

COVID-19 вирусининг энг кескин салбий оқибатлари кам таъминланган оилаларда (жавобларнинг 48%), кўп болали оилаларда (40%) ва қайтиб келган меҳнат мигрантларида (34%) кузатилган. Кам таъминланган оилалар муаммоси, айниқса, Самарқанд ва Наманган вилоятларида долзарб бўлиб турибди (жавобларнинг 55 фоизидан кўпроғи). Кўп болали оилалар² асосий жабр кўрганлар сифатида Тошкент вилоятида нисбатан кўпроқ аниқланган (49%). Меҳнат мигрантлари Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида энг кўп зарар кўрган тоифалар сифатида қайд этилган (47% -48%).

4. COVID-19 аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигига ҳамда психологик ҳолатига номутаносиб тарзда салбий таъсир кўрсатди. Сўров натижаларига кўра, аёллар кўпинча маҳалла марказларига ёрдам сўраб мурожаат қилишган (89% жавоблар). Бу эса ижтимоий ёрдам учун даъвогарликни одатда аёллар ўз зиммасига олишини билдирсада, аммо бугунги шароитда, пандемия туфайли аёллар кўпроқ ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳолатга тушиб қолганлиги аён бўлди. Биринчидан, инкироздан қаттиқ зарар кўрган хизмат кўрсатиш, озик-овқат ва ичимликлар ишлаб чиқариш ҳамда таълим соҳаларидаги расмий ёки норасмий ишчиларнинг аксариятини аёллар ташкил қилади. Иккинчидан, аёллар пандемия пайтида уйда ўтирганида болалар парваришида асосий ролни бажаради. Болаларга ғамхўрлик қилиш ва уларнинг таълимини назорат қилишда аёллар вазифасининг ортиши уларнинг иш қобилятини пасайтиради. Респондентларнинг деярли 50% карантин пайтида *аёлларнинг уй юмушлари кўпайганлигини тасдиқлади* (уй ишлари, болалар, қариялар ва касал оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш). Учунчидан, ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг аксарияти эркаклар эканлигини ҳисобга олган ҳолда, меҳнат миграцияси учун энг қулай мавсумда чегаралар ёпилиши сабабли меҳнат мигрантларининг рафиқалари тирикчилик манбаидан маҳрум бўлди. Тўртинчидан, бир неча авлод вакиллари биргаликда яшайдиган оилаларнинг тез-тез учраши Марказий Осиё мамлакатларига хос бўлган хусусият. Одамларнинг уйда қолишларини талаб қиладиган карантин чоралари эса баъзи оилаларда келинлар эрининг

² Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 5 октябрдаги ЎРҚ-640-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси “тўрт ва ундан ортиқ ўн саккиз ёшгача бўлган болалари бўлган оила – кўп болали оила» деган 4-моддаси билан тўлдирилди.

кариндошлари томонидан амалга оширилган психологик ва руҳий босимга дучор бўлиш ҳолатларига олиб келди.

Ишдан маҳрум бўлиш, даромаднинг пасайиши ва оиладаги мажбурий изоляция кўплаб одамларда психологик стрессни кучайтирди ва бу ўз навбатида **оиладаги зўравонлик хавфини оширади**. Ушбу ҳодиса COVID-19 га қарши курашиш мақсадида турли мамлакатларда "изоляция" чоралари қўлланилганда бутун дунё бўйича кузатилган. Ўзбекистон шароитида маиший зўравонлик тўғрисидаги эскирган билим ва амалиёт ҳамда *"бу шармандали вазият, уни тан олиш ва унга қарши курашишдан кўра яшириш ва бости-бости қилиш яхшироқ"*, деган нотўғри тушунча вазиятни янада мураккаблаштиради. Буни Ўзбекистон маҳаллаларида оиладаги зўравонлик фактлари қайд қилинмаганлиги ҳақидаги жавобларнинг улуши (99%) ҳам исботлаб турибди. Жавоблар бу борадаги бошқа маълумот манбаларидан бутунлай фарқ қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, ички ишлар идораларига келиб тушган оиладаги зўравонлик билан боғлиқ шикоятлар сони 2020 йил июндан июль ойигача кўпайган; ушбу даврда аёлларга нисбатан содир этилган 202 та жиноятнинг 54% психологик, 44% жисмоний, қолганлари иқтисодий зўравонлик билан боғлиқ³. 2020 йил январь ойидан апрель ойигача Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари оиладаги зўравонликдан азият чекканларга 527 та химоя ордери беришди⁴.

Шаҳарларнинг маҳаллий жамоат етакчилари оиладаги зўравонликларга қарши курашиш учун яхшироқ тайёрланган бўлсалар-да, аксарият ҳолларда, *маҳалла раҳбарлари оиладаги зўравонлик ҳолатларига дуч келганда қандай йўл тутуши кераклиги ҳақида кам маълумотга эга эканлиги аён бўлди*. Шундай қилиб, маҳалла вакилларининг 39 фоизи оиладаги зўравонликнинг олдини олиш усуллари тўғрисида қўшимча маълумотга муҳтожлигини ҳис қилмоқда. Хавотирли ҳақиқат шундаки, сўровномада қатнашганларнинг жуда оз қисми ўзларининг оиладаги зўравонлик ҳақидаги тасаввурларини яхшилаш (15%) ёки ушбу зўравонлик шакли ҳақидаги нотўғри тушунчаларидан воз кечиш (11%) зарурлигини ҳис қилмоқда. Сўровномадаги бошқа саволларга берилган жавоблар шуни кўрсатадики, бу жабҳа, айниқса, маҳалла раҳбарияти учун долзарбдир. Респондентларнинг 10 фоиздан камроғи оиладаги зўравонликдан жабр кўрганлар билан бевосита ишлаш зарурлигини таъкидлади.

5. Тадқиқот орқали пандемиянинг салбий таъсирини юмшатишда **маҳаллаларнинг эҳтиёжларини** баҳолашга ҳаракат қилинди. "Эҳтиёжмандларга озиқ-овқат пакетларини" тарқатиш каби моддий ёрдам шакллари (жавобларнинг 44% дан ортиғи) кўнгиллилар ёрдamidан кўра кўпроқ талабга эга эканлиги аниқланди. Карантин пайтида маҳаллалар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ва иқтисодий ёрдам олувчиларнинг асосий қисми аёллар ва қариялар бўлди (қариялар гуруҳига, эҳтимол, аёллар ҳам киради). Пандемияга қарши курашда маҳаллалар учун зарур бўлган ёрдам тўғрисида сўралганда, кўпчилик (47% -49%) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш, жумладан, маҳалла комитети биноларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, бюрократик ҳисоботларни камаййтириш ва ходимларнинг иш ҳақини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Ҳозирги шароитда ҳукумат ҳали ҳам инкироздан чиқиш учун қўлланилиши мумкин бўлган сиёсат вариантларида аввалгидек чекланган. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, корхоналар банкротлигини олдини олиш, бандлик ва иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш бўйича бир қатор

³ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маълумотлари, 2020 йил 16 июль. <https://telegra.ph/Operativnaya-svodka-Ministerstva-vnutrennih-del-po-sostoyaniyu-na-6-12-iyulya-2020-g-07-16>

⁴ Опарина Д. Узбекистан: семейное насилие во время коронавируса продолжается, 20 мая 2020 г., Центральноазиатское бюро аналитической журналистики (CABAR), <https://cabar.asia/ru/uzbekistan-semejnoe-nasilie-vo-vremya-koronavirusa-prodolzhaetsya/>.

ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, бундай чоралар самарали бўлиши учун вазиятга тўлақонли ёндашиш зарур.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга асосланиб, COVID-19 нинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида қуйидаги тадбирлар мажмуи таклиф этилади.

1. Маҳаллалардаги аҳолининг иқтисодий фаоллигини ва бандлигини тиклаш бўйича чора-тадбирлар

1.1. Кўп меҳнат талаб қиладиган соҳаларда кичик ва ўрта бизнеснинг тикланишини тезлаштиришга ёрдам берадиган иқтисодий сиёсатга тузатиш киритиш. Бу маиший хизмат кўрсатиш ва нооziк-овкат маҳсулотларини сотиш соҳасидаги кичик бизнес субъектларининг маҳаллаларда барча санитария меъёрларига амал қилган ҳолда ишлашига рухсат беришни назарда тутати. Иқтисодий тикланишни рағбатлантириш чоралари қиймат занжирлари ҳамда мавсумий омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак, шунда карантин қишлоқлардаги ўрим-йиғим мавсуми ва ҳосилни сотишга, айниқса, хусусий секторга минимал таъсир кўрсатади.

1.2. Маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қилиш учун майдончалар яратиш орқали оилавий тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш. Оилавий бизнес хотин-қизлар ва ёшлар (ҳам йигитлар, ҳамда аёллар) учун иш ва даромад манбаи бўлиши мумкин. Маҳалла аҳолиси томонидан талаб қилинадиган истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун узоқ муддатли сармояларни жалб қилишга эътибор қаратиш орқали маҳалла негизида кичик хусусий корхоналарни яратишга ёрдам бериш зарур. Шунингдек, тақчил товарларни импорт қилиш ёки маҳаллий миқёсда ишлаб чиқариш борасида хусусий секторни рағбатлантириш лозим. Бунинг учун бошланғич маблағга эга бўлиш имкониятини яратиш керак, масалан, имтиёзли банк кредитлари бериш, банк хизматлари нархини сезиларли даражада пасайтириш ва маҳалла кафолати билан кредит беришда гаров талабларини камайтириш⁵. Маҳалла органлари халқаро тараққиёт учун узоқ муддатли кредитлар ва грантларнинг кафиллари сифатида иштирок этиши мумкин. Оилавий бизнесда аёлларнинг ролини ошириш бўйича амалга ошириладиган ҳар қандай ташаббуслар уларнинг вазифасини янада оғирлаштирмасдан, маош тўланмайдиган уй юмушлари ва парвариш ишларини енгиллаштириш чораларини ўз ичига олиши лозим.

2. Ижтимоий ҳимоя сиёсатини энг кўп зарар кўрган қатламларга йўналтириш чоралари

2.1. Энг юқори даражадаги кўп томонлама натижага эришиш учун ижтимоий ҳимоя сиёсати янада самарали ва мақсадли бўлиши лозим. Ижтимоий ҳимоя сиёсати сўровда аниқланган гуруҳлар, яъни кам таъминланган оилалар, кўп болали оилалар ва меҳнат мигрантларидан ташқари 18 ёшга тўлмаган болаларни тарбиялаётган ёлғиз оналар, нафақахўрлар, ёлғиз кексалар ёки болалари ва набиралари билан бирга яшайдиган қариялар, ногиронлар, расмий секторда иш ўрнини йўқотган меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар ва оиладаги зўравонликни бошидан кечирган инсонларни қамраб олиши керак.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги давлат-хусусий шериклиги доирасида қисқа муддатли касб-хунарга

⁵ Хусусан, бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сонли қарорининг 5-бандидаги жамоатчилик асосидаги мониторинг ўтказишни кўзда тутати. Унда кўрсатилишича, «Микрокредитбанк» АТБ томонидан нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган: тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади; микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади. Бунда микрокредитлар 3 йил муддатгача 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратилади.

ўргатиш курслари орқали *меҳнатга лаёқатли одамларнинг малакасини ошириши ва қайта тайёрлаш*. Бу таълим хизматларига бўлган талабни тиклашга ёрдам беради, фуқароларга иқтисодий фаолиятда ўз-ўзини англаш учун кўпроқ имкониятлар яратади ва узоқ муддатли истиқболда мамлакатдаги инсон капиталини сезиларли даражада оширади. COVID-19нинг яширин салбий таъсирини камайтириш учун таълим олмаган, ишламайдиган ва касб-хунарга эга бўлмаган ёш аёллар ва эркекларга алоҳида эътибор берилиши керак.

2.3. *Пандемиядан бирмунча жиддий зарар кўрган ижтимоий гуруҳлар ҳақидаги маълумотларнинг аниқлиги ва мавжудлигини таъминлаш*. Бунга ижтимоий ёрдам сўраб мурожаат қилган маҳалла аҳолисининг ижтимоий, иқтисодий ва гендерга оид қисқа биографияси тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун рақамли ечимлар (ишни олиб бориш учун ахборот тизимлари, электрон рўйхатлар ва бошқалар) ишлаб чиқиш, шунингдек, ходимларнинг рақамли кўникмаларини ривожлантириш киради. Ушбу чора-тадбирлар жинсга оид ва бошқа омиллар бўйича ажратилган маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш борасида маҳалла вакилларининг салоҳиятини оширишга, маҳаллий аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қарорларни қабул қилишда маълумотларга ва далилларга асосланган ёндашувларни жорий этишга ёрдам беради.

3. COVID-19 нинг аёлларга таъсирини бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар

3.1. *Аёлларнинг иш ҳақи тўланмайдиган рўзгор юмушлари ва парвариш ишларининг муносиб бўлмаган юқини енгилаштириш бўйича чора-тадбирларга устувор аҳамият берилиши керак*. Давлат инвестицияларини ижтимоий ёрдам инфратузилмасига, айниқса болалар, кексалар ва беморларга ғамхўрлик қилишга йўналтириш лозим, бу эса ҳамма учун очик бўлган (айниқса кишлок жойларида) ва юқори сифатли парваришлаш хизматларни тақдим этади. Ушбу соҳага сармоя киритиш аёллар ҳамда эркекларга муносиб иш ўринлари яратади ва кўпроқ аёлларни меҳнат бозорига жалб қилиш ёки иш ўрнини йўқотган аёллар учун қайта иш бошлаш имкониятини вужудга келтиради ва бу ишчи кучидаги гендер фарқини бартараф этишга ҳам ёрдам беради.

3.2. *Аёлларнинг алоҳида эҳтиёжларини қондириш* вазифасини, оиладаги зўравонликни бошдан кечирган хотин-қизлар учун маҳалладан махфий ёрдам сўраш механизмининг жорий этишдан бошлаш мумкин. Бунга хотин-қизларнинг нодавлат ташкилотлари ҳамда у ердаги мутахассисларини жалб этиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш орқали эришиш керак. Пандемия пайтида уяли алоқа операторлари хотин-қизларга уларнинг шахсий ҳисобларида нол баланс бўлган тақдирда ҳам, мавжуд ишонч телефонларига бепул қўнғироқ қилиш имкониятини тақдим этишлари мумкин. Хотин-қизларга нисбатан содир этилган зўравонлик ҳолатлари тўғрисида маҳаллалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар бериш учун рақамли ечимларни (масалан, Телеграм ботлари ёки мобил иловалар) яратиш ва улардан фойдаланиш мумкин.

3.3. Оилалардаги зиддиятларни ва зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, маиший зўравонликни бошдан кечирган оилалардаги аёлларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ёрдам (масалан, бирламчи психологик ва тиббий ёрдам, юридик маслаҳат ёки вақтинча бошпана бериш) тизимини яратиш, шунингдек, низоларни ҳал қилишда оилаларга профессионал ёрдам кўрсатиш бўйича маҳалла маъмурияти ўртасида гендер муаммоларига жавоб қайтариш кўникмаларини ривожлантириш лозим. Гендер асосидаги зўравонликни аниқлаш ва олдини олиш, шунингдек, зўравонликни бошидан кечирганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллалар фаоллари учун махсус услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва ўзбек, рус ҳамда қорақалпоқ тилларида нашр этиш зарур. Аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва зўравонликдан жабр кўрганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳалла фаоллари учун бир қатор ўқув дастурларини ўтказиш керак.

3.4. *Аҳолининг оиладаги зўравонликка бўлган муносабати ва билимларини бойитиш мақсадида хабардорликни кучайтириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш*. Таълим чораларидан ташқари ушбу дастурларда жамиятда аёлларга бўлган зўравонликка нисбатан муросасизлик

маданиятини шакллантириш ва зўравонликнинг психологик, ҳиссий ва жисмоний турларини аниқлаш ва фарқлашга ёрдам беришда нисбатан энгил воситалар ва ҳатти-ҳаракатлардан ва бошқа усуллардан фаол фойдаланиш керак.

4. Маҳалла органларининг COVID-19 га қарши курашиш имкониятини ошириш бўйича чора-тадбирлар

4.1. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг техник ва кадрлар салҳиятини яратиши. Бу жараён янги ташкил этилган Вазирликнинг операцион эҳтиёжларини қондириш, яъни унинг офисларини жиҳозлаш, рақамли инфратузилмани яратиш ва аҳолининг турли гуруҳлари, масалан, ногиронлар, гендерга асосланган зўравонликни бошидан кечирганлар, уйсиз одамлар ва бошқалар билан самарали фаолият олиб бришини таъминлаш мақсадида биноларнинг инклюзивлигини оширишга кўмак бериш орқали амалга оширилади. Халқаро илғор тажриба ва маҳаллий шароитни яхши тушунишга асосланган ижтимоий ҳимоя қилишнинг замонавий ёндашувлари бўйича вазирлик ходимларининг салоҳиятини ошириш ҳамда уларни ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур.

4.2. COVID-19га қарши курашишда ҳукуматнинг алоқа соҳасига оид стратегиясини такомиллаштириши, шу билан бирга COVID-19 дан даволанган инсонларни иснод қилиш ва камситиш хавфи йўқлигини тушунтиришга эътибор қаратиш. Шунингдек, пандемия атрофидаги вазиятни ёритувчи материаллар сабаб-оқибат алоқадорлигини объектив аниқлаш ва тасвирлаш учун танқидий таҳлилга асосланган бўлиши керак. Бунинг учун жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассислардан, Ўзбекистонда COVID-19 га қарши курашда иштирок этадиган муҳим идоралардан (Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар) профессионал ёндашув талаб қилинади.

4.3. Ижтимоий ҳимояга бўлган инновацион ёндашувларни ўрганиши ва улардан фойдаланиши. Маҳалладан ёрдам сўраб қилинаётган мурожаатларни қондириш мақсадида зарар кўрган аҳоли учун ҳомийлик ва инсонпарварлик ёрдамларини жалб қилиш имкониятларини ўрганиш керак. Шу муносабат билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳомийлик маблағларини тўплаш ва тарқатиш мақсадида халқаро гуманитар ташкилотлар, маҳаллий нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва кўнгиллилар жамоалари билан ҳамкорликни кенгайтириши мумкин. Бунинг учун маҳалланинг кекса аъзолари (оқсоқоллар) билан маслаҳатлашиб, маҳаллий аҳолига зарур бўлган ёрдамнинг ўзига хос турлари, шакллари ва миқдорини аниқлаш механизмини яратиш талаб этилади. Шаффофликни таъминлаш ва ресурсларни сафарбар қилиш мақсадида (мблағ йиғиш ёки краудсоурсинг орқали) ушбу маълумотлар Интернетда эълон қилиниши керак.

Умуман олганда, кейинги ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш пакетларини мақсадли йўналтиришни яхшилаш учун ҳукумат ва бошқа манфаатдор томонлар аҳоли зичлиги, урбанизация, йирик саноат корхоналарининг мавжудлиги ва бошқа барқарор даромад манбалари, мигрантларнинг кириб келиши ва чиқиб кетиши каби мезонларга мувофиқ минтақавий шароитларни яхшироқ ўрганиши керак. Карантин ўрим-йиғим ва ҳосилни сотиш мавсумига, айниқса, хусусий секторга минимал таъсир кўрсатиши учун мавсумий омилларни ҳисобга олиш ҳам муҳимдир.

КИРИШ

2020 йил 30 январда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори янги коронавируснинг (COVID-19) авж олишини халқаро аҳамиятга эга бўлган, оммавий соғлиқни сақлаш соҳасидаги фавкулда ҳолат деб эълон қилди⁶. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан зудлик билан мамлакатдаги пандемияга қарши курашиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш учун Республика махсус комиссияси (бош вазир бошчилигида) ташкил этилди⁷. Ўзбекистонда COVID-19 билан касалланишнинг илк ҳолати 2020 йил 15 мартда қайд қилинганидан сўнг⁸, Республика махсус комиссияси босқичма-босқич ёндашув ёрдамида асосий хизматларни тақдим этишни тўхтатишни бошлади. Дастлаб барча таълим муассасалари вақтинча ёпилган бўлса (2020 йил 16 март), унинг ортидан баъзи давлат хизматлари тўхтатилди (масалан, суд мажлислари ва жамоат транспорти), савдо марказлари, корхоналар ва бозорлар (озик-овқат бозорлари ва дорихоналар бундан мустасно; 2020 йил 19 март) ёпилди. Шунингдек, тижорат фаолиятини иложи борича масофавий хизматларга кўчирилди (2020 йил 24 март). Бутун мамлакат бўйлаб карантин чоралари ва “ўзини ўзи яқкалаш” (изоляция) тартиби жорий қилинди.

Фавкулда чоралар муҳим деб ҳисобланган корхоналар ёки алоҳида муассасалар учун тааллуқли эмас. Ижтимоий масофани таъминлаб, эпидемиологик стандартларга жавоб берадиган ёки бизнес жараёнларини онлайн ёки масофадан туриб амалга оширишга қодир бўлган хусусий компаниялар ҳам ўз фаолиятини давом эттирдилар. Масалан, шаҳарлардаги кафе ва ресторанларнинг катта қисми етказиб бериш хизматларини кўрсатишни бошладилар. Бундай чоралар ишсизлик даражаси қисқа муддатда пасайганлигини билдиради. Давлат корхоналари, асосан, ижтимоий масофани таъминлаш билан боғлиқ баъзи чекловларни сақлаган ҳолда ўз фаолиятида давом этдилар.


COVID-19 ташхиси қўйилган барча одамлар вируснинг тарқалишининг олдини олиш ва тегишли даволанишни таъминлаш учун, касаллик аломатлари қандайлигидан қатъи назар, даволаш учун карантинга олинди. COVID-19 билан касалланган одам билан алоқада бўлган ёки у билан алоқада бўлиши мумкин бўлган ҳар бир киши, COVID-19 тести натижаларига қараб, камида 14 кун карантинга олинди. Чет элдан ўзбекистонлик фуқароларнинг уйларига қайтиб келишига кўмаклашиш чоралари ҳам кўрилди. Хориждан олиб келинган барча фуқаролар марказлаштирилган муассасаларда карантинга олиндилар. Республиканинг барча ҳудудларида ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ва карантин зоналари ташкил қилинди. Масалан, Тошкент, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида карантин зоналари ташкил қилиниб, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида минг ўринли ихтисослаштирилган кўп матрмоқли шифохона барпо этилди. Бундай чоралар натижасида 2020 йил март ойдан апрелгача коронавирус билан касалланиш ҳолатлари анча камайди ва COVID-19 вирусидан соғайганлар сони ортди. 2020 йилнинг май ойига келиб бу коронавирусдан соғайганлар сони минимал даражагача қисқарди. 1-расмга қаранг.

⁶ WHO, WHO Director-General's statement on IHR Emergency Committee on Novel Coronavirus (2019-nCoV), 30 January 2020, [https://www.who.int/dg/speeches/detail/who-director-general-s-statement-on-ih-er-emergency-committee-on-novel-coronavirus-\(2019-ncov\)](https://www.who.int/dg/speeches/detail/who-director-general-s-statement-on-ih-er-emergency-committee-on-novel-coronavirus-(2019-ncov))

⁷ Вазирлар ва давлат органлари раҳбарларидан 25 кишилик комиссия тузилган. Ҳозирда Комиссияда иккита аёл бор: Соғлиқни сақлаш вазири ва Мактабгача таълим вазири. Қаранг: «Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Фармони. <https://lex.uz/docs/4720398>

⁸ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология агентлиги маълумотлари.

1-расм. Ўзбекистонда COVID-19 бўйича вазият



Президент Ш. Мирзиёев 2020 йилнинг 19 мартда коронавирус пандемиясининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш учун биринчи навбатдаги чора-тадбирлар ҳақида эълон қилди⁹. Унга қўра, иқтисодийни тиклаш ва соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида 10 трлн сўм миқдордаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Ушбу чора-тадбирлар қаторида кичик бизнес корхоналари ва яқка тартибдаги тадбиркорларга солиқ имтиёзлари берилди, уларнинг кредитлар бўйича тўловлари кечиктирилди. 2020 йил мартдан апрелигача Президент инқирозга қарши чора-тадбирларнинг яна учта тўпламини тасдиқлади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг салоҳиятини оптималлаштиришга қаратилган ҳаракатлар қаторига COVID-19 коронавирусини даволаш учун учта ихтисослаштирилган шифохонанинг қурилиши ва вентиляторлар, кислород концентраторлари ва шахсий ҳимоя воситалари каби қўшимча материаллар ва ускуналар сотиб олишни киритиш мумкин. COVID-19 тестлари, полимераза занжирли реакция (ПЗР) ускуналари ва бошқа лаборатория жиҳозларини сотиб олиш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ ажратилди¹⁰. Бир нечта тиббиёт муассасалари реконструкция қилинди.

Ўзбекистонга бир қатор давлатлардан жами 78 миллион доллардан ортиқроқ инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди¹¹. Аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари ҳам муайян даражада қўллаб-қувватланди. Ижтимоий заиф қатлам – COVID-19 пандемиясидан олдин моддий қўллаб-қувватланган аҳоли гуруҳи, жумладан, кам таъминланган оилалар, ёлғиз оналар, ёлғиз қариялар ва ногиронлардир. Маҳалла институти маҳаллий жамоат асосидаги маъмурий бўлинма ҳисобланиб, у ижтимоий нафақалар ва иш билан таъминлашга йўналтирилган ёрдамни таъминлашда асосий рол ўйнайди. 2020 йил февраль ойидан бошлаб маҳаллалар фаолияти янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилиб келинмоқда.

⁹ Gazeta.uz, Создается Антикризисный фонд на сумму 10 трлн сумов, 19 марта 2020 г.,

<https://www.gazeta.uz/ru/2020/03/19/anti-crisis-fund/>

¹⁰ UZA, Қайта карантин ўзини қанчалик оқлади ёки Ўзбекистон пандемияга қарши қандай курашмоқчи, 2020 йил 16-июль, <http://uza.uz/ru/society/naskolko-opravadan-povtomnyy-karantin-ili-kak-uzbekistan-name-16-07-2020>

¹¹ Podrobno.uz, Коронавирусуга қарши курашиш учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан ташкил этилган Инқирозга қарши жамғарма ҳозиргача 75 миллион АҚШ доллар сарфлади, 2020 йил 16 апрель, <https://www.podrobno.uz/cat/obchestvo/antikrizisnyy-fond-sozdannyi-pravitelstvom-uzbekistana-dlya-borby-s-koronavirusom-uzhe-potratil-porya/>.

COVID-19 пандемиясига қарши қабул қилинган чеклов чоралари мамлакатда сезиларли ижтимоий-иқтисодий оқибатларга сабаб бўлди. Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йил апрель ҳолатига кўра яқка тартибдаги тадбиркорларнинг 38,4% (95 мингдан ортиқ тадбиркорлар) карантин чекловлари туфайли ўз фаолиятини тўхтатдилар¹². Яна 196 минг корхона ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада қисқартирди. Солиқ тушумлари ҳажми апрель ойида 20 кун давомида айрим вилоятларда 30-40 фоизга, айрим туман ва шаҳарларда эса 50 фоиздан кўпроққа камайди¹³. Ўзбекистонда COVID-19 пандемиясига қарши курашиш доирасида кўп турдаги тадбиркорлик фаолияти тўхтатилганлиги сабабли ишсизлар сони 1,35 миллиондан икки миллионгача кўпайган¹⁴. Халқаро чегаралар ёпилиши сабабли Ўзбекистондаги 550 минг меҳнат мигрантлари ишлаш учун бошқа мамлакатларга чиқиб кета олмадилар¹⁵. COVID-19 пандемияси билан боғлиқ бўлган расмий ишсизлик даражаси ва меҳнат мигрантлари ва тадбиркорлар тўғрисидаги маълумотларда эркаклар ва аёллар бўйича ахборот ажратиб кўрсатилмаганига эътибор қаратинг.

Шу билан бирга, маҳаллий жамоалардаги мавжуд вазият ёки пандемия турмуш даражасига таъсирининг жиддийлиги тўғрисида маълумотлар унчалик кўп эмас. Уй хўжаликлари даражасида аҳолининг бевосита эҳтиёжлари тўғрисида аниқ ва батафсил маълумотларга эга бўлмаган ҳолда, пандемия ва унинг оқибатларига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар унчалик самара бермайди.

Ҳукумат ижтимоий масофани мақлаш ва иқтисодий фаолликни чеклаш бўйича қўрилган чоралар пандемияни тўхтата олмаганлигини тан олди. Бундан ташқари, бундай чоралар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни тобора ёмонлаштириши ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлиги учун салбий оқибатларга олиб келиши шубҳасиздир. Жиноий ишларнинг кўпайиши ва аҳолининг руҳий саломатлигининг ёмонлашуви эҳтимоли каби омилларни бошқа узоқ муддатли оқибатларга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон нафақат иқтисодиётни тез орада тиклаш, балки аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш ва янги шарт-шароитларга жавоб бериш салоҳиятини ошириш бўйича мақсадли ташаббуслар бўйича самарали ечимлар қидирмоқда.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ ВА УСУЛЛАРИ

Тадқиқотнинг мақсади маҳалла даражасида COVID-19 тарқалишини чеклаш бўйича қабул қилинган профилактика чораларининг иқтисодий ва ижтимоий таъсирини баҳолашдан иборат эди. Тадқиқот натижалари мамлакат ҳукуматига инқирозга қарши чораларни тайёрлашда ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож уй хўжаликлари ва жамоаларни қўллаб-қувватлашда ёрдам бериши кўзда тутилмоқда. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси маҳаллалари вакиллари ўртасида тарқатилган аноним сўровномалар орқали амалга оширилди.

Маҳалла Ўрта Осиё хонликлари пайтидан бошланган ўзбек анъанавий фуқаролик ўзини ўзи бошқариш институтидир. Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришгандан сўнг, маҳалла мақоми махсус қонун билан тартибга солинди. Маҳалла таркиби фуқаролар томонидан сайланадиган маҳалла раиси, раис ўринбосарлари (муайян масалалар бўйича улар билан маслаҳатлашади) ва маслаҳатчилардан иборат. Қонунда маҳалла бошлиғини “раис” (оқсоқол) сифатида тавсифланади¹⁶.

¹² Gazeta.uz. Карантин туфайли 38% ХТлар ўз ишини тўхтатди— ДСК (аниқлаштирилди), 2020 йил 21 апрель, <https://www.gazeta.uz/ru/2020/04/21/individual-entrepreneur/>

¹³ Gazeta.uz. Президент аҳолини иш билан таъминлаш бўйича фармон берди, 2020 йил 22 апрель, <https://www.gazeta.uz/ru/2020/04/22/employment/>

¹⁴ Gazeta.uz. Пандемия туфайли ишсизлар сони қарийб 2 миллионга етди, 2020 йил 9 июнь, <https://www.gazeta.uz/ru/2020/06/09/unemployment/>

¹⁵ Ўша ерда.

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ги қонуни (янги таҳрир) 2013 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-350-сонли қонун.

Гарчи одатда маҳаллаларга раҳбарлик қилиш эркекларнинг роли деб ҳисобланса-да, мазкур лавозим учун бу шарт эмас (2016 йилдаги маълумотларга кўра 14,3% маҳалла раислари аёл кишилар бўлган;¹⁷ бу ўтган йилларга қараганда кўпроқ кўрсаткичдир). Маҳалла раиси маҳалладаги кишиларнинг ҳолати ва ҳар бир хонадоннинг моддий аҳволидан хабардор бўлиши зарур. Жамиятдаги назорат вазифаси туфайли маҳалла ижтимоий хавфсизлик тармоғини бошқариш, шунингдек, COVID-19 пандемиясининг маҳаллий даражадаги таъсири ва уни баҳолаш учун ўзига хос имкониятга эга.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 2020 йил февраль ойида Президент фармони билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўйича янги вазирлик (Вазирлик) ташкил этилди¹⁸. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва самарали амалга ошириш масъул бўлган давлат органидир¹⁹. Вазирлик ташкил этилиши натижасида юзага келган энг муҳим ўзгаришлардан бири бу – хотин-қизларнинг миллий, минтақавий ва маҳаллий даражадаги ишларини мувофиқлаштирувчи давлат тузилмаси сифатида самарасиз ҳаракат қилган Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг тарқатиб юборилиши, шунингдек, етакчилари вазир ўринбосарлари лавозимлари ёки республика ё маҳаллий даражада юқори лавозимларни эгаллаган маҳаллий хотин-қизлар кўмитаси тузилмаси тугатилди. Янги Вазирликнинг асосий йўналишларидан бири “хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш”дан иборат бўлиб, у асосан хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш каби саъй-ҳаракатларни кўзда тутди²⁰. Вазирлик собиқ Хотин-қизлар кўмитасининг айрим тузилмаларини ўз зиммасига олганини айтиш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, 2020 йилда аёллар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозимига, фуқароларнинг ҳар бир йиғилиши учун битта штат бирлиги, шунингдек, фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди ва уларни маҳаллий бюджетдан молиялаштириш тартиби сақлаб қолинди²¹.

Ушбу вазирлик собиқ Хотин-қизлар кўмитасининг айрим тузилмаларининг фаолиятини ўз зиммасига олган ҳолда, маҳаллалар, шунингдек, “хотин-қизлар ва оила масалалари” учун масъул раис ўринбосарлари лавозимларини белгилашлари шарт.

Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш, шу жумладан иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ва оилавий зўравонликдан озод қилиш бўйича давлатнинг бошқа мажбуриятлари нуқтаи назардан Вазирлик ва маҳаллаларнинг роли жуда муҳим ҳисобланади. Қонунчиликка мувофиқ, барча вазирликлар хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятларга эришишга қаратилган²² ва аёлларни зўравонлик ва тазйиқлардан ҳимоя қилишга қаратилган²³ давлат сиёсати ва дастурларининг бажарилишини таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

¹⁷ Kuliev, K., Uzbekistan: Why Should the State Weaken Control Over the Institute of Mahalla?, 17 January 2019, Central Asian Bureau for Analytical Reporting (CABAR), <https://cabar.asia/en/why-should-the-state-weaken-control-over-the-institute-of-mahalla/>

¹⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли 2020 йил 18 февраль кунги қарори, <https://www.lex.uz/docs/4740337?otherlang=3>

¹⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чоратadbirlари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли 2020 йил 18 февраль кунги фармони, <https://www.lex.uz/docs/4740345>

²⁰ Ўша ерда.

²¹ Ўша ерда.

²² “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 2019 йил 2 сентябрь, № ЎРҚ-562, <https://www.lex.uz/docs/4494849>

²³ “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 2019 йил 2 сентябрь, № ЎРҚ-561, <https://www.lex.uz/docs/4494709>

Ушбу тадқиқот БМТТД Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан мамлакатнинг барча минтақаларидаги маҳалла вакиллари ўртасида ўтказилган социологик сўров орқали амалга оширилди. Ушбу тадқиқот 2020 йилнинг май ва июнь ойларида ўтказилди. БМТ Тараққиёт дастурининг яшаш учун зарур маблағлар, аҳоли фаровонлиги ва турмуш шароити каби соҳалардаги гендер фарқланишларни баҳолаш амалиётига мувофиқ, сўровда пандемиянинг эркакларга нисбатан хотин-қизларга бўлган таъсири тўғрисида маълумот олиш учун бир нечта саволлар ҳам киритилган.

Сўровнома масофадан туриб (онлайн платформа орқали) ўтказилди. Унда 3670 респондент, шу жумладан маҳалла раислари (респондентлар умумий сонининг 84,7%), уларнинг ўринбосарлари (12,8%) ва маҳалла вакиллари ёки фаоллари (2,5%) иштирок этдилар. Таққослаш учун, Ўзбекистонда 8973 та маҳалла мавжуд бўлиб, ҳар бир маҳаллада ўртача 3000 нафар фуқаро истиқомат қилади.²⁴ Тадқиқотда иштирок этган аксарият маҳаллалар қишлоқ ҳудудларида жойлашган (респондентларнинг 62,9%). Расмий статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг 49,4% қишлоқ жойларда истиқомат қилади, бироқ баъзи ҳудудлардаги шаҳарлашиш даражаси бошқаларига қараганда юқорирокдир²⁵.

Сўровда қатнашганларнинг жинс таркиби қуйидагини ташкил қилган: Респондентларнинг 75% эркаклар ва ҳар тўртинчи респондент аёл бўлди. Минтақалар бўйича сезиларли фарқлар мавжуд бўлди. Масалан, Андижон вилоятидан сўровда иштирок этганларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи аёлларни ташкил қилган бўлса, Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 9,9% га тенг бўлди. Бундан ташқари, аёл респондентлар қишлоқ жойларига қараганда кўпроқ шаҳарларда истиқомат қилдилар.

Тадқиқот услубияти тўғрисида батафсил маълумот ушбу ҳисоботнинг иловасида келтирилган.

Респондентларнинг муайян гуруҳи, маҳалла раҳбарияти вакиллари маҳаллалардаги ҳолатдан яхши хабардор ҳисобланади, чунки улар маҳаллардаги ижтимоий лойиҳалар ва тадбирларни амалга оширишда асосий роль ўйнайдилар. Уларнинг қарашлари COVID-19 пандемияси пайтида юз берган ўзгаришларнинг муҳим мезони бўлиб, улар ижтимоий жиҳатдан қийин вазиятларга тушиб қолган кишиларни қўллаб-қувватлашни ташкил қилиш бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш учун маълумот манбаларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бироқ, тадқиқот методологиясида бир нечта муҳим жиҳатларни эсдан чиқармаслик керак. Биринчидан, дала ишларини бошлаш вақти карантин чекловларнинг биринчи юмшатилиш пайтига (юқоридаги 1-расмга қаранг), шунингдек аҳолининг томорқалардаги маҳсулотларининг (кўплаб қишлоқлардаги уй хўжаликлари учун озиқ-овқат манбаи) кўпайиши даврига тўғри келди. Шу тарзда, дала ишлари давомида, пандемияга қарши чора-тадбирларнинг ижобий таъсири яқин келажакда ҳолатнинг яхшиланишига умид яратди. Бундан ташқари, маҳалла вакилларида ўз маҳаллалари аҳолисининг ҳозирги аҳолини сўровдан 30 кун олдин вазият билан таққослаш ҳам сўралган. Шу орқали улардан карантиннинг биринчи босқичи даражасигача чекловлар юмшатиш, аксарият иқтисодий фаолият тўхтатилган ва COVID-19 билан касалланганлар сони тобора кўпайиб бораётган бир пайтда вазиятни баҳолаш сўралди.

Иккинчидан, бир нечта савол мавжуд ҳолатнинг хотин-қизларга бўлган таъсирини баҳолашга мўлжалланди. Бироқ, респондентлар орасида хотин-қизлар нисбатан кам бўлганлиги сабабли, аксарият маҳалла раҳбарлари уларнинг номидан жавоб бердилар. Шундай қилиб, маълумотларнинг ишончлилиги нуқтаи назаридан, хотин-қизларга вазиятнинг таъсирини баҳолаш натижалари шуни

²⁴ Kuliev, K., Uzbekistan: Why Should the State Weaken Control Over the Institute of Mahalla?, 17 January 2019, Central Asian Bureau for Analytical Reporting (CABAR), <https://cabar.asia/en/why-should-the-state-weaken-control-over-the-institute-of-mahalla/>

²⁵ 2018 йил маълумотлари. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисида аёллар ва эркакларнинг нисбати (2011-2018 й.), <https://gender.stat.uz/en/osnovnye-pokazateli-en/demografiya-en/naselenie-en/426-chislenost-postoyannogo-naseleniya-na-1-yanvarya-2011-goda-en>

кўрсатадики, бу борада кўшимча тадқиқотлар ўтказилиши зарур. Сўров натижаларини талқин қилишда ва ушбу ҳисоботда келтирилган тавсияларни кўриб чиқишда шу жиҳатларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

АСОСИЙ ХУЛОСАЛАР: COVID-19 КАРАНТИН ЧОРАЛАРИ ТАЪСИРИ

Тадқиқотдаги асосий эътибор коронавирус тарқалишининг таъсири ва уни чеклаш бўйича кўрилган чоралар, аҳоли фаровонлиги, шу каби омилларнинг маҳалла раҳбарлари томонидан баҳоланишига қаратилган. Маҳаллий жамият даражасида фаровонлик иш билан бандлик ва тадбиркорлик, ижтимоий ҳимоя чоралари ва давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти ва ижтимоий нафақалар берилишининг барқарорлиги билан ўлчанади. Ушбу омилларнинг барчаси 2020 йил март-апрель ойларида карантиннинг биринчи босқичида ҳам, 2020 йил май-июнь ойларида чекловлар юмшатиладигандан кейин ҳам жиддий босимларни келтириб чиқарди.

2020 йилнинг январь ойдан июнь ойигача бўлган муддатда мамлакатдаги ЯИМ ўсиши 0,2% гача секинлашди. Солиштириш учун, 2019 ва 2018 йилларнинг шу даврида бу кўрсаткич мос равишда 6,0% ва 5,9%ни ташкил қилган²⁶. Аҳоли жон бошига ЯИМ 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 1,8 фоизга камайиб, 766 АҚШ долларини ташкил этди. Аввалги 2018 ва 2019 йилларда жон бошига ЯИМ кўрсаткичи йилига тўрт фоизга ошган эди²⁷. Умуман олганда эса, давлат глобал COVID-19 пандемиясига қарши кураш чоралари кўрилган даврда, 1997 йилдан бери биринчи марта Ўзбекистоннинг жон бошига ЯИМ пасайиш кузатилмоқда.



2019 йил охирида кичик бизнес ва яқка тартибдаги тадбиркорлик²⁸ ЯИМнинг ярмидан кўпини ва расмий меҳнат бозоридаги иш кучининг қарийб 75%ини иш билан таъминлаган²⁹. Кичик бизнес корхоналари уй хўжаликлари даромадларини яратишда муҳим аҳамият касб этган бўлса-да, COVID-19 пандемияси пайтида улар ҳам жиддий зарар кўрган. 2020 йил январь-июнь ойларида кичик бизнес субъектлари мамлакат иқтисодиётининг умумий қўшилган қийматининг 51,3 фоизини ташкил этди, бу кўрсаткич 2019 йил шу даврига нисбатан 0,2 фоизга пастдир. Ялпи ички маҳсулотдаги улушларнинг энг катта пасайиши қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги кичик бизнес субъектларида кузатилди. (Қаранг: 2 ва 3-расм)

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш, http://web.stat.uz/open_data/uz/3.3%20Volume_GDP_by_type_activity_uzb.pdf

²⁷ Ўша ерда.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик бизнес корхоналари кичик корхоналар сифатида таснифланади. Бу таснифлаш ҳам ишчилар сонига, ҳам иқтисодиёт тармоқларига асосланган.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий фаолият турлари кесимида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш, http://web.stat.uz/open_data/uz/3.3%20Volume_GDP_by_type_activity_uzb.pdf



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш, http://web.stat.uz/open_data/uz/3.3%20Volume_GDP_by_type_activity_uzb.pdf

Шу билан бирга, кичик ва яқка тартибдаги тадбиркорлик одатда кўпроқ мослашувчан ҳисобланишади, бу эса ўз навбатида иш амалиётларини тўхтатиш ва тиклаш йирик корхоналарга қараганда арзонроққа (ҳам вақт, ҳам пул маблағлари нуқтаи назаридан) тушади. Март-апрель ойларида пандемияга қарши курашнинг ижобий динамикаси ва май ойида карантин режимининг юмшатилиши респондентларнинг ўз фаолиятини эртaroқ бошлаш ва даромадларини тиклаш бўйича кутилмаларига таъсир қилиши мумкин. Аммо, албатта, ҳамма ҳолларда ҳам эмас.

1. Фаровонликка таъсири


Сўров натижаларига кишиларнинг қаноатланмаганлик даражаси ва вазиятдан ташвишланиш даражаларини аниқлаб берди. Ҳар тўрт респондентдан биттаси маҳалла аҳолисининг моддий таъминоти ёмонлашди деб ҳисоблайди (вазият “ёмонлашди” - 20,8% ёки “сезиларли даражада ёмонлашди” - 4,6%). Респондентларнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғи (76,7%) сўровдан олдин 30 кун ичида даромадларини йўқотган оилалар сони ошганлигини айтишди. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғини вакилларининг 89,9 фоизи моддий ёрдам учун мурожаатларнинг қўпайганлигини таъкидладилар.

Юқорида келтирилган рақамлар аҳолининг ўзини ўзи яқкалаш (изоляция қилиш) салоҳиятининг ҳам чегараси борлигидан ва одамларнинг вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилиш ҳамда маҳалладан ёрдам сўрашга бўлган эҳтиёжларини кучаяётганидан далолат беради.

Даромад ва иш ўрнини йўқотиш

Карантин чораларини жорий этишнинг асосий салбий оқибатлари иқтисодий соҳада акс этади. Умуман олганда, аҳоли COVID-19 га қарши курашнинг муҳимлигини тушунади, шунингдек улар ўз даромадларининг сезиларли даражада пасайиши, шу жумладан иш йўқотиш эҳтимоли борлиги сабабли ўз хавотирларини билдирмоқда. Ишни йўқотиш сабабли даромадларнинг пасайиши маҳалла раислари томонидан аҳоли олдида турган энг жиддий муаммолар сифатида қайд этилди. 4-расмга қаранг. Респондентлардан рўйхатдаги 19 та жавобдан бешта вариантни белгилаш сўралгани, шунингдек, улар буч келган муаммони кўшиш имконияти ҳам берилганига ҳам эътибор қаратинг.


4-расм Маҳалла аҳолисининг карантин шароитлари билан боғлиқ ўнта асосий муаммоси



Маҳалла раҳбарларининг фикрига кўра, аҳоли орасида энг кенг тарқалган муаммо – аҳоли даромадларининг пасайиши (респондентларнинг 74,4 фоизи). Шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам энг жиддий деб топилган ушбу муаммо нафақат даромад манбаини йўқотиш, балки уй хўжаликларига пул ўтказмалари каби бошқа молиявий тушумларнинг камайиши билан ҳам боғлиқ. Иккинчи энг жиддий муаммо – иш ҳақи, кичик бизнестан келадиган даромад ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ иш ўринлари ва/ёки иш ҳақининг йўқотилиши. Респондентларнинг ярмидан кўпи (58,4%) ўз маҳаллалари аҳолиси аллақачон бу муаммога дуч келишган деб ҳисоблашади. Респондентларнинг аксарияти (72,2%) тадқиқотдан олдинги 30 кун ичида иши ёки даромад манбаини йўқотган оилалар сони кўпайганлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, жавобларда қайси оиланинг қайси аъзолари, яъни аёллар ёки эркеклар ишсиз қолишганига урғу бермадилар.

Ўзбекистон минтақаларини таққослашда иккита кўрсаткич, яъни даромадларнинг пасайиши ва даромад манбаларининг йўқолиши Тошкентда жиддий муаммо деб ҳисобланди (респондентларнинг 80% ушбу икки масалани ажратиб кўрсатдилар, 5-расм). Сўровноманинг Жиззах, Қашқадарё ва


Сирдарё каби вилоятлардаги иштирокчиларининг 80% қисми даромад камайганини қайд этишган, бироқ даромад манбаларини йўқотишгани ҳақидаги жавоблари у қадар юқори эмас (Сирдарёда 66% респондентлар иш жойи / даромад манбаин йўқолганини қайд этишди, бошқа иккита вилоятда 60% дан камроқ). Хоразм вилоятидан иштирок этган респондентлар энг ижобий жавобларни беришди (мос равишда 68% ва 50%, аммо бу икки муаммони аҳоли учун жуда муҳим деб аташган).



Кичик бизнес Ўзбекистонда даромад ва иш билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади. 2019 йилда ишчи кучининг 76,5% кичик бизнесда банд бўлган. Кичик ва майда корхоналар, айниқса, иқтисодиётнинг қуйидаги айрим тармоқларида кенг тарқалган: йўловчи транспортида (бу соҳада кичик/майда корхоналар секторнинг 90,7%ни ташкил этган), ундан кейин савдо (84,3%), қурилиш (75,4%), юк ташиш (54,6%) ва хизматлар (52%)³⁰. Карантин пайтида айнан ушбу секторлар энг кўп зарар кўрган. Минтақада кичик бизнес қанчалик кўп бўлса (6-расм), даромад олиш муаммоси шунчалик долзарбдир (энг ривожланган эркин sanoat зонаси жойлашган Навоий вилояти бундан мустасно). Қаранг: 6-расм

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Кичик тадбиркорлик, <https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/ru/8.pdf>.

**6-расм Кичик корхоналар сони
(2019 й, ҳар 1000 нафар аҳолига, Республика статистика
қўмитаси)**



1-мисол Ўзбекистондаги тадбиркор хотин-қизлар

Ҳукуматнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим саъй-ҳаракатлари ушбу соҳада хотин-қизларнинг иштирокини оширишга ёрдам берди. Шунга қарамай, хотин-қизлар хусусий бизнес билан шуғулланувчилар орасида озчиликни ташкил қилади. 2018 йилда Ўзбекистонда 182 мингдан зиёд тадбиркор аёл мавжуд бўлиб, бу мамлакатда рўйхатдан ўтган барча хўжалик юритувчи субъектларнинг 29 фоизини ташкил этади (тахминларга кўра, бу яқка тартибдаги тадбиркорларни ҳам ўз ичига олади)³¹. Республика статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2019 йилда аёллар Ўзбекистондаги барча корхоналарнинг 14,9 фоизига эгаллик қилишган³².

Пандемия пайтида ва ундан кейин уларнинг тўлов қобилиятини сақлаб қолиш қобилиятига таъсир кўрсатадиган “аёллар бизнеси”нинг айрим хусусиятлари мавжуд. Биринчидан, аёллар раҳбарлик қиладиган корхоналар асосан майда ёки яқка тартибдаги йўналишда бўлиб, бу улар асосий ресурслар, шу жумладан капитал ва ссудалар, ишбилармонлик кўникмалари ва молиявий саводхонлик, хатто фақат иш учун сарфланадиган вақт омилига нисбатан чекланган имкониятга эга эканликларини англатади. (сўнгги омил аёлларнинг уй ишлари ва болаларни парвариш қилиш каби пул тўланмайдиган асосий мажбуриятлари билан боғлиқ). Шунингдек, аёллар раҳбарлик қиладиган корхоналар ҳам маълум соҳаларда, асосан хизмат кўрсатиш (бу барча аёллар корхоналарининг учдан бир қисмига тўғри келади), сўнгра савдо ва ишлаб чиқариш (озиқ-овқат ва ноозик-овқат товарлари) соҳасига тўғри келади³³. Карантин чоралари нафақат хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди, балки болалар муассасалари ва мактабларнинг вақтинча ёпилишига ҳам сабаб бўлди. Ушбу икки чеклов ҳам тадбиркор аёлларга жиддий таъсир қилади ва улар учун ушбу даврда бизнеснинг инкирозга учрамаслиги учун алоҳида қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Аҳоли пунктлари турига кўра, иш жойлари ва иш ҳақини йўқотиш қишлоқ жойларига қараганда шаҳар маҳаллалари учун оғирроқ кечган (7-расм). Бироқ даромадларнинг пасайиши даражаси қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам бир хил миқёсда баҳоланган. Қишлоқ жойларда уй хўжаликлари баъзи озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариши ва кўп ҳолларда маҳаллий бозорларда сотиши ҳам мумкин. Шаҳар аҳолиси ишсиз қолган тақдирда


³¹ Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси бажарилиши тўғрисида ҳисобот. - Ўзбекистон, 2019. ... 11-бет.

³² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Аёллар эгаллик қиладиган фирмалар улуши.

<https://gender.stat.uz/uz/i-group-uz/1273-ayollar-egalik-qilayotgan-firmalar-ulushi>

³³ Оснѐ тараккиѐт банки. Ўзбекистонда гендер баҳолаш бўйича ҳисобот, 2018. – 35-бет.

қашшоқлик хавфини камайтириш учун бундай имкониятларга эга эмаслар. Коммунал ва маиший хизматлардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги қишлоқларга қараганда шаҳарларда муҳимроқ ўрин тутди. Шаҳарларда яхши йўлга қўйилган АКТ инфратузилмаси мактаблар ва университетларда масофадан туриб ўқитиш учун яхши имкониятлар яратди. Шунингдек, бу шаҳардаги маҳалла аҳолисига уйда ишлаш учун яхши имконият яратди. Ушбу омишлар шаҳарларда таълим хизматларидан фойдаланишнинг қишлоқ жойларга қараганда яхшироқ эканлигини таъминлади.



Натижалар шунини кўрсатадики, пандемия нафақат бевосита иш жойларининг йўқотилишига, балки яширин ишсизликнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келиши мумкин. Амалда, шахс ишлаётган ходим сифатида расмий равишда рўйхатдан ўтган бўлиши (потенциал “даромад манбаи” йўқолмайди), лекин карантин пайтида унинг иш ҳақи сезиларли даражада камайрилиши ёки умуман тўланмаслиги мумкин. Бу эса, унинг даромад манбаи йўқолганлигини англатади. Бундай жавобларнинг яна бир изоҳи – карантин чоралари туфайли уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ёки пуллик хизматлар кўрсатиш имконияти йўқлигидир (масалан, хусусий саргарошхонадаги саргарош “ишчи” сифатида таснифланади, аммо пуллик хизматларни тақдим эта олмайди).

COVID-19 пандемиясидан олдин аёллар ва эркеклар меҳнат бозорида қандай фаолият юритганига қараб, даромадларни йўқотиш ва/ёки ишдан ёки иш ҳақидан маҳрум бўлиш уларга турлича таъсир қилиши мумкин эди. Афсуски, тадқиқот услуби ва саволлари маҳаллаларда қайси уй хўжаликлари аъзолари ушбу муаммоларга дуч келганлигини аниқлай олмади. Шунга қарамай, пандемиядан олдин расмий иш билан банд бўлган аёлларнинг улуши (барча иқтисодий фаол аёлларнинг 45,7%) эркекларникига нисбатан паст бўлган (барча иқтисодий фаол эркекларнинг 54,3%)³⁴. 2017 йилда эркеклар умумий иш билан банд бўлган аҳолининг 61,5 фоизини ташкил этган³⁵. Ишчи кучида

³⁴ 2017 йил маълумотлари. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий фаол аҳоли сони, <https://gender.stat.uz/uz/osnovnye-pokazateli-uz/trud-uz/aktivnoe-naselenie-uz/1032-iqtisodiy-faol-aholi-soni>

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Корхона ва ташкилотларда жами ишловчилар сониди аёллар ва эркекларнинг нисбати (2017 йил), <https://gender.stat.uz/uz/osnovnye-pokazateli-uz/trud-uz/zanyatost-naseleniya-uz/977-korxonava-tashkilotlarda-jami-ishlovchilar-sonida-ayollar-va-erkaklarning-nisbati-2016-yilda-2>

иштирок этишда гендер фарқи албатта катта, чунки аёлларнинг туғиш ёшида эканлиги уларнинг уй ишлари ва бола парвариши учун иш ҳақи тўланмайдиган фаолияти учун масъулият юкланганлигини англатади³⁶. 2017 йилда Меҳнат ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига мурожаат қилганларнинг ярмидан сал кўпроқроғини хотин-қизлар ташкил этган³⁷. COVID-19 вируси тарқалишидан олдин ҳам аёлларнинг расмий ишларда чекланган иштироки муаммо бўлганлигини ҳисобга олсак, ҳар қандай иқтисодий таназзул уларни иқтисодий тобеликка олиб келиши хавфи мавжуд.

Респондентларнинг катта қисми (43,8%) сўров ўтказилган даврда маҳаллага қайтиб келган меҳнат мигрантлари сонининг кўпайганлигини таъкидладилар. Шуниси эътиборга лойиқки, сўров 2020 йил май ойида ўтказилган бўлиб, бу пайтда халқаро чегаралар COVID-19 пандемиясини чеклаш учун ёпилган ва кўшни мамлакатларда (масалан, Россия ва Қозоғистонда) ишсиз қолган меҳнат мигрантлари мамлакатга қайтиб кела олмаган эдилар³⁸. Ўшандан бери четга чиқишга бўлган чекловлар юмшатилади ва кириб келаётган мигрантлар оқими ортди. Шу тариқа Ўзбекистондаги ички меҳнат бозори тегишли кўшимча юкламага дуч келади³⁹. Минтақада COVID-19 га қарши олиб борилган тезкор чоралар, меҳнат мигрантларининг мамлакатдаги шароитларга мослашиши ва янги иш жойларини қидириши учун ишлатилиши мумкин бўлган маблағларни тўплаш нуқтаи назаридан уларнинг қайтишига тайёргарлик кўриш имконияти кам бўлганлигини англатади. Маҳалла вакилларининг фикрига кўра, қайтиб келган меҳнат мигрантлари биринчи навбатда моддий ва озиқ-овқат таъминотиغا (мос равишда, респондентларнинг 25% ва 28% қисми), шунингдек иш билан таъминланишга (54% жавоблар) эҳтиёж сезадилар.

Ўзбекистондан меҳнат миграцияси бандлик шаклларида ҳисобланиб, уларни асосан эркаклар ташкил қилади. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистондан Россияга меҳнат мигрантларининг 87 фоизини эркаклар ташкил этади⁴⁰. Ушбу модел қисман ташқи меҳнат бозорларида мавжуд бўлган иш турини акс эттиради (масалан, Ўзбекистондан чиқиб кетаётган меҳнат мигрантларининг деярли ярми курилиш ишчилари ёки ҳайдовчилар⁴¹). Шунингдек, бу оилаларни моддий қўллаб-қувватлашда эркакларнинг роли ва аёлларнинг уйда қолиши мумкинлиги ҳақидаги анъанавий тушунчаларни акс эттиради. Меҳнат миграциясининг ўзига хос хусусиятлари шуни англатадики, COVID-19 пандемияси қайтиб келган меҳнат мигрантлари бўлган эркаклар, шунингдек илгари пул ўтказмаларига боғлиқ бўлган уй хўжаликларига бевосита таъсир кўрсатади.

Нархлар динамикаси

Асосий маҳсулотларнинг нархи аҳолининг иқтисодий фаровонлигига бевосита таъсир қилади. Респондентларнинг деярли ярми (48,5%) сўровдан олдинги 30 кун давомида ўзларининг маҳаллалари ҳудудида жойлашган дўконларда ва бозорларда озиқ-овқат нархларида ўзгаришларни кузатмаганликларини таъкидладилар. Респондентларнинг ярмидан кўпи (64,2%) уй-рўзгор буюмлари нархларининг ўсишини кузатмаган. Буни карантиннинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳукумат нархлар, шу жумладан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар учун қаттиқ назорат ўрнатганлиги билан изохлаш мумкин.

³⁶ Қаранг: Khitarishvili, T., Gender inequalities in labour markets in Central Asia, UNDP, 2017.

³⁷ Осиё тараққиёт банки. Ўзбекистонда гендер баҳолаш бўйича ҳисобот. 2018. 11-бет.

³⁸ Қаранг: Radio Free Europe/Radio Liberty, Central Asian Migrants, Trapped In Russia Amid Pandemic, Pushed Back At Border, 04 August 2020, <https://www.rferl.org/a/central-asian-migrants-stuck-at-border/30766473.html>

³⁹ 2020 йил 16 июль куни Россия-Қозоғистон чегарасидан Тошкентга Ўзбекистон фуқаролари бўлган учта йўловчи поезд жўнаб кетди. Тошкентга келгандан сўнг ушбу рейсларнинг барча йўловчилари Наманган ва Тошкент вилоятларининг карантин зоналарига юборилади. Қаранг: UZnews, Ўзбекистанцев, застрявших на российско-казахстанской границе, вернут на родину поездами 2020 йил 16 июль., <https://uznews.uz/ru/article/22539>

⁴⁰ FAO, 2019, Gender, Agriculture and Rural Development in Uzbekistan, Country Gender Assessment Series, p. 16.

⁴¹ Ушбу икки гуруҳ 2018-2019 йилларда БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси кўшма лойиҳаси доирасида тўпланган маълумотларга кўра меҳнат мигрантлари орасида энг кўп учрайдиган касбларнинг 43,4 фоизини ташкил этади.

Шу билан бирга, ҳар учинчи респондент (33,2%) 2020 йил май ойида озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари бироз кўтарилганлигини қайд этдилар. Бундан ташқари, маҳсулотлар турига қараб нархлар ўзгарган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, мустақил веб-сайтларнинг мониторинги шуни кўрсатдики, хусусий дорихоналар антивирусга қарши воситалар нархларини сезиларли даражада оширган, хусусий клиникаларда эса дори-дармонларга талаб катта бўлганлиги сабабли, вирусни аниқлаш тестини ўтказиш учун нархлар 250000 сўмдан 400 000 сўмгача, яъни деярли икки бараварга ошган⁴². Бу шуни кўрсатадики, Ўзбекистондаги мавжуд хусусий товарлар ва хизматлар бозори, ҳукумат томонидан кучли назорат қилинишига қарамай, меҳнат шароитидаги салбий ўзгаришларга мослашувчан муносабатда бўлиш имкониятига эга.

Фаровонлик бўйича минтақавий фарқлар

Аҳоли зичлиги юқори бўлган ҳудудлардан иштирок этган респондентлар пандемия маҳаллий аҳолига салбий таъсир этган бўлиши мумкинлигини қайд этишган. Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Самарқанд вилоятлари каби ҳудудларда фаровонлик кўрсаткичлари анча паст эканлиги билан ажралиб турди.

2-мисол Аҳоли зичлиги юқори бўлган ҳудудлар COVID-19 пандемиясидан кўпроқ зарар кўрди

Куйидаги: “Фикрингизча, яқин 30 кун ичида маҳаллангиз аҳолиси фаровонлиги қандай ўзгаради?” деган саволга Тошкент ва Самарқанд вилоятидан иштирок этганлар нисбатан умидсиз фикр билдиришди. Ушбу минтақалардаги вазиятнинг “ёмонлашади” ёки “анча ёмонлашади” деб жавоб берган респондентлар ҳиссаси бошқа вилоятдагиларга нисбатан анча юқори (Тошкентда 19,9% ва Самарқанд вилоятида 18,0%).

Тошкентлик респондентларнинг ярмидан кўпи нархлар ошганлигини таъкидладилар (52,1%, шу жумладан “кескин кўтарилди” ва “бироз кўтарилди” жавоблари). Жавоблар ҳиссаси шунга яқин ҳолатлар Тошкент вилояти (46,9%) ва Самарқанд вилоятларида (45,6%) кузатилди. Уй-рўзғор буюмлари нархларининг ўсишига дуч келган респондентларнинг энг юқори улуши Тошкент шаҳри (41,4%) ва Тошкент (38,9%) вилоятларида қайд этилди.

Даромаднинг пасайиши ва даромад манбаларининг йўқолиши тўғрисидаги аралаш саволлар бўйича, тошкентлик респондентлар ушбу муаммоларни энг долзарб деб топдилар (респондентларнинг 80% ушбу муаммоларнинг ҳар бирини биринчи ўринга қўйишди). Тошкент шаҳридаги маҳаллалар вакиллари ҳам даромад манбаидан маҳрум бўлганлар сонининг (жавобларнинг 50% дан кўпроғи) кескин ошганлигини қайд этишди, ундан кейинги ўринни эса, Самарқанд вилояти респондентлар (30% дан кўпроқ) эгалладилар. Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида ўтказилган сўровда қатнашганларнинг тўртдан биридан кўпроғи пандемия пайтида сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти ёмонлашганини таъкидлашди.

Маҳалла қўмиталаридан сўралган моддий ёрдам бўйича тўғридан-тўғри сўровларига келсак, бундай сўровларнинг энг катта ўсиши Тошкент шаҳридаги респондентларда кузатилди (60% бундай сезиларли ўсишни қайд этган), кейинги ўринда эса Самарқанд вилояти респондентлари (бу ерда респондентларнинг 40% дан ортиғи моддий ёрдам сўраганлар “сезиларли” ёки “бироз” ўсганлигини қайд этганлар) бўлди. Аксинча, Навоий ва Хоразм вилоятларида вазият нисбатан яхши бўлиб, бу ҳудудларда моддий ёрдам сўраб қилинган мурожаатларнинг сезиларли даражада кўпайишини респондентларнинг атиги 20 фоизи танлаган ва 25 фоиздан ортиғи ёрдам сўраб кўпроқ мурожаат қилмаганликларини билдиришган.

Бу рақамлар сўров ўтказилаётганда маҳаллалар аҳолиси дуч келган энг долзарб муаммолар ҳисобланган даромадларнинг пасайиши ва иш ўринларининг йўқолиши, шунингдек ҳар бир минтақа

⁴² Repost, В Узбекистане цены тестов на коронавирус в частных клиниках повысились, 17 июля 2020г., <https://repost.uz/aj-v-dva-raza>

иктисодиётининг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар билан ўзаро боғлиқдир. Масалан, Навоий вилояти ички маҳсулотининг учдан икки қисми олтин қазиб чиқариш ҳисобига яратилади. Хизматлар ва қурилиш биргаликда минтақавий ишлаб чиқаришнинг атиги 16,5 фоизини ташкил этади. Аксинча, Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳаллий иқтисодиётнинг асосий манбаи бўлиб, у минтақавий ЯИМнинг 50 фоизини ташкил этади. Бу ерда саноатнинг улуши 15% ни ташкил этади, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаси эса минтақавий кўшилган қийматнинг 37% ни ташкил қилади. Социологик нуқтаи назардан фаровонликнинг минтақавий фарқлари (шу жумладан фаровонликни тушунишда) аҳоли зичлиги юқори бўлган ҳудудлар кўпроқ шаҳарлашганлиги билан изоҳланиши мумкин. COVID-19 пандемияси сабабли шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги энг муҳим фарқларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- шаҳар аҳолиси томорқа, боғ ва шу каби даромад келтирадиган бошқа имкониятларнинг йўқлиги сабабли қишлоқ аҳолисига қараганда кўпроқ ижтимоий эҳтиёжманд бўладилар;
- шаҳар аҳолиси асосан қатъий иш ҳақига боғланиб қолган ва кўшимча даромад манбаларига эга эмас;
- шаҳарларда даромадлар бўйича моддий фарқланиш яққолроқ кўзга ташланади, шунинг учун қашшоқликнинг ўсиши ҳам тезроқ намоён бўлади;
- шаҳарлар аҳолиси кўплаб маълумот манбаларига, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар орқали кенгроқ фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, улар ваҳима ва вазиятга пессимизм даражасини янада кучайтиришлари мумкин;
- шаҳарларда аҳоли зичлигининг юқори эканлиги ижтимоий масофани сақлашга риоя қилишни қийинлаштиради.

Бу эса одамларнинг бир-бирига тегиниш даражасининг ошиши ҳамда вирус юктириш эҳтимолининг юқори бўлиши, шунингдек изоляцияни сақлашга уриниш билан боғлиқ стресс ҳолатларига олиб келиши мумкин;

- Ўзбекистон қишлоқ жойлари аҳолиси мустаҳкам оилавий муносабатлар туфайли катта оила, яъни жамоа бўлиб яшашга кўпроқ мойил бўлишади; Икки ёки ундан кўп авлодлар истиқомат қиладиган уй хўжаликлари қишлоқ жойларида кўпроқ учрайди ҳамда уларда кўшимча моддий ва озик-овқатдан бир-бирига кўмаклашиш эҳтимоли юқори бўлади.


Ижтимоий-психологик муаммолар

Респондентларнинг деярли 98 фоизининг фикрига кўра, карантин ва ўзини ўзи яққалаш (изоляция қилиш) шароитида кун кечириш шахслараро муносабатларда муайян муаммоларни келтириб чиқаради (респондентлардан учта энг кенг тарқалган муаммоларни танлаш сўралган). Маҳалла вакилларининг фикрича, кўпчилик респондентлар бошқалар билан юзма-юз муомаланинг етишмаслиги асосий муаммо сифатида кўрсатиб ўтилган. Респондентларнинг тўртдан бир қисми пандемия сабабли юзага келган катта ташвишлар ва стрессни алоҳида бир муаммо деб аташган бўлса-да, бошқа кенг тарқалган муаммолар, масалан, аёллар учун уй ишларининг янада кўпайиши, оиладаги зиддиятлар, оилавий даромадни йўқотиш ва ишсизлик каби муаммоларнинг барчаси бу стрессни юқори даражага олиб келади, деб ҳулоса қилиш мумкин. (Қаранг: қуйидаги 8-расм). Респондентлардан, уларнинг фикрига кўра, айнан ким қийинчиликларга дуч келганлигини кўрсатиш сўралмаган. Бир қатор бошқа мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики,⁴³ карантин шароитида аёлларнинг болалар, қариялар ва бемор кишиларни парваришлаш бўйича асосий уй вазибаларини ўз зиммаларига олганликлари ҳамда бошқа уй ишлари туфайли уларнинг стресс даражаси айниқса юқори бўлганлигини кўрсатди. Бунда, аёлларнинг ўз фарзандларига таълим ва меҳнат борасидаги тарбияларига берадиган ёрдамларини-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Шу билан бирга,

⁴³ Қаранг: UN Women Regional Office for Europe and Central Asia, 2020, The Impact of COVID-19 on Women's and Men's Lives and Livelihoods in Europe and Central Asia: Preliminary Results from a Rapid Gender Assessment, 37-бет.

Ўзбекистонда эркекларнинг ишдан бўшатилишининг юқори даражаси уларнинг молиявий муаммолар билан бирга қўшилиб, уларнинг сиқилиш даражасини ошириб юборган бўлиши мумкин. COVID-19 пандемияси аёллар ва эркеклар психологик ҳолатига қандай таъсир қилганлиги тўғрисида қўшимча тадқиқотлар келажакда маҳаллалар орқали қандай ёрдам турларини таклиф қилиш мумкинлигини тушунишда ёрдам берган бўлар эди.

8-расм Охириги 30 кун ичида қайси муаммо маҳаллангиз аҳолиси учун энг муҳим масалага айланди?



Алоқаларнинг самарадорлиги

Сўров шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда COVID-19 ҳақида керакли маълумотларни аҳолига етказиш учун алоқа тизими самарали ташкил этилган. Респондентлардан маҳалла аҳолисининг COVID-19 ҳақида хабардорлиги даражасини баҳолашни сўраган беш балли шкала бўйича (бу ерда 5 балл – “жуда юқори” ва 1 балл – “жуда паст”), респондентларнинг тахминан ярми 4 балл қўйган. Респондентларнинг деярли ҳар учтадан биттаси (28%) аҳолининг ушбу муаммо тўғрисида жуда яхши маълумотга эга эканлигига ишонишади; улар хабардорлик даражасини максимал беш балл билан баҳоладилар.

Маълумотлар, шунингдек, маҳаллаларда тарғибот ишлари билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган некбин ёндашув ҳам йўқ эмас. Респондентларнинг аксарият қисми, пандемия давом этса ҳам, яқин келажакда уларнинг аҳолиси фаровонлиги ижобий томонга ўзгаради, деб ҳисоблайдилар (сўровда қатнашганларнинг 75,8% яқин 30 кун ичида вазият “яхшиланади” ва “анча яхшиланади” деб жавоб беришди).


Шу билан бирга, сабабий муносабатларни холис тарзда аниқлаш учун COVID-19 пандемиясининг таъсирини баҳолашда вазиятни танқидий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Агар маҳалла раҳбарлари орасида бундай (ҳаддан ташқари ижобий) фикрлар сақланиб қолса, бу уларнинг жамоаларидаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишда уларнинг самарадорлигини пасайтиради.

2. Алоҳида соҳаларга таъсири

Хизмат кўрсатиш ва таълим соҳасида иш жойларини йўқотиш

Респондентларнинг фикрига кўра, COVID-19 пандемиясига қарши чора-тадбирлар билан боғлиқ бўлган иш жойларининг энг катта йўқотилиши хизмат кўрсатиш соҳасида, асосан овқатланиш соҳасида (масалан, ресторанлар, кафелар, чойхоналар, ошхоналар ва бошқалар) кузатилган. Қайси соҳаларда иш ўринлари энг кўп йўқотилганлиги тўғрисида сўралганда, респондентларнинг аксарияти (80% дан кўпроғини) айнан шу соҳаларни таъкидладилар. Кейинги ўринларда эса маҳаллий даражада кўрсатиладиган хизматлар, масалан, саргарошхоналар, гўзаллик салонлари, таъмирлаш устахоналари, тикувчилик устахоналари (58% дан кўпроғи) ва таълим муассасаларини (респондентларнинг 52,9 фоизи мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида иш йўқотиш бўлганлигини) қайд этганлар. Респондентларнинг 25% дан 30% гача қисми қурилиш ва чакана савдо соҳасини танлаган бўлсалар, 15% га яқин иш жойлар меҳмонхона бизнеси (хусусан, меҳмонхоналар) соҳасида рўй берганини таъкидлашган. 9-расмга қаранг.

9-расм Қайси соҳаларда одамлар ишсиз қолишган?



Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, респондентлардан ўз маҳаллаларида умуман иш йўқотилиши тўғрисида маълумот бериш сўралган, бунда эрақлар ёки аёллар алоҳида ажратилмаган. Аслида, Ўзбекистондаги меҳнат бозори иқтисодий тармоқлари бўйича гендер бўйича сегрегация кузатилади ва шу тариқа хизмат кўрсатиш (айниқса, умумий овқатланиш соҳасида) ва таълим соҳасидаги иш жойлари йўқолишининг кўпроқ бўлганлигини ҳисобга олсак, бу нарса аёлларнинг бандлилик даражасига кучли салбий таъсир кўрсатган. Уй-жой ва умумий овқатланиш соҳасида ишлайдиганларнинг ярмидан кўпини ва ижтимоий соҳалардаги (соғлиқни сақлаш, ижтимоий иш ва таълим биргаликда) барча ишчиларнинг 75%дан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этади⁴⁴. 2017-2018 ўқув йилида таълим муассасалари (мактабгача таълим муассасаларисиз) ходимлари орасида 70,9 фоизни аёллар ташкил этган⁴⁵. Назарий жиҳатдан, одатда аёллар бажарадиган баъзи бир ишларни масофадан туриб амалга ошириш мумкин (қурилиш билан солиштирганда онлайн ўқитиш), бу эса иш

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий фаолият турлари бўйича бандлар сонининг тақсимланиши (2017 йил учун ўртача) <https://gender.stat.uz/uz/osnovnye-pokazateli-uz/trud-uz/zanyatost-naseleniya-uz/919-iqtisodiyot-tarmoqlari-bo-yicha-bandlar-2016-yil-uchun-o-rtacha-2>

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2007/2008-2018/2019 ўқув йилларида жинси ва таълим муассасалари турлари бўйича таълим муассасалари ўқитувчилари (ўриндошларсиз), <https://gender.stat.uz/uz/osnovnye-pokazateli-uz/obrazovanie-uz/srednee-uz/1279-2007-2008-2018-2019-o-quv-villarida-jinsi-va-ta-lim-muassasalari-turlari-bo-yicha-ta-lim-muassasalari-o-qituvchilari-o-rindoshlarsiz>

жойлари унча камаймаслигига олиб келади). Бироқ, маҳалла раҳбарияти томонидан берилган маълумотларга кўра, пандемия пайтида кўплаб таълим ходимлари, асосан, хотин-қизлар ишсиз қолишган. Бошқа томондан, биринчи навбатда аёллар томонидан амалга ошириладиган баъзи ишлар, масалан, соғлиқни сақлаш хизматлари зарур деб ҳисобланади.

Аксинча, эркаклар техник соҳаларда, хусусан, қурилиш, транспорт ва оғир соҳаларда сақлаш соҳаларида кўпчиликни ташкил қилади (90% ишчилар)⁴⁶. Эркаклар кўпроқ ишлайдиган тармоқлар ўша соҳалардаги иш ҳақининг кўпроқ экани билан боғлиқ, ammo пандемия қурилиш соҳасида иш йўқотилишга ҳам олиб келгани ҳам ҳақиқат. Шу билан бирга, асосан эркаклар томонидан қилинадиган ишларга карантин чоралари бекор қилингандан сўнг, аёллар кўпроқ ишлайдиган соҳаларга (меҳмонхона соҳаси ва хизматлар) нисбатан эртароқ рухсат берилиши мумкин (нафақат ходимлар, балки балки бизнес эгалари сифатида ҳам). Даромаднинг пасайиши, иш ҳақидан маҳрум бўлиш ва ишсизлик нуқтаи назаридан аёллар ва эркаклар тажрибаси ҳақида батафсилроқ маълумот олиш учун кўшимча тадқиқотлар ва таҳлиллар ўтказилиши зарур.

Шунингдек, маҳалла раҳбарлари ўз ҳудудларида маҳаллий хизмат кўрсатувчи корхоналар (масалан, кичик таъмирлаш устахоналари, сартарошхона, тозалаш ва ҳк) ёпилганлиги ҳақида хабар беришди. Бу масала кейинги бўлимда батафсил муҳокама қилинади. Кўпинча маиший хизматлар ва ноозиқ-овқат дўконлари иши тўхтатилди (мос равишда 50,4% ва 22,3% респондентлар). Бундай корхоналарнинг ёпилиши нафақат ҳар бир маҳаллада кўп аҳоли, биринчи навбатда аёллар ишсиз бўлишига олиб келди, балки бундай хизматларнинг йўқолиши хонадонлардаги хотин-қизларнинг шундоқ ҳам кўп бўлган, иш ҳақи тўланмайдиган иш юкласини оширди. Чунки ўша корхоналар кўрсатаётган хизматлар, маълум даражада аёлларга қўл келар эди.

Келгусида кўриладиган чоралар бўйича эса, озиқ-овқат чакана савдо шохобчалари санитария меъёрларига қатъий риоя қилганлиги ва улар аҳоли учун вирусни юқтириш манбасига айланмагани сабабли ушбу тажрибани бошқа маҳаллий хизматлар ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотишда ҳам қўллаш тавсия этилишини айтиб ўтиш мумкин. Бундай ташаббуслар ишсизларни харидорлар ёки мижозлар билан бевосита алоқада бўлишни талаб қилмайдиган кичик бизнес фаолиятига жалб қилишни талаб қилади. Масалан, бу ўқув семинарлари ва мини-грантлар ажратиш орқали онлайн-бизнесни ривожлантириш, шунингдек йирик ишлаб чиқариш корхоналари атрофида маҳаллаларга кичик буюртмаларни бериш мумкин бўлган кластерларни шакллантириш қабилар бўлиши мумкин.

Асосий товар ва хизматларнинг мавжудлиги

Умуман олганда, COVID-19 вирусининг тарқалиши ва у билан боғлиқ чеклов чоралари товарлар ва асосий хизматларни, шу жумладан инфратузилма хизматларини (шунингдек, маҳалла даражасида) кўрсатишга, унчалик катта таъсир кўрсатмади. Шу билан бирга, 35,6% респондентлар “маҳаллий хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ муаммолар” аҳолининг даромадлари пасайиши ва иш йўқотилишидан кейин энг кўп учрайдиган муаммоларнинг учинчиси сифатида кўрсатдилар.

Карантин чоралари, одатда, маҳаллаларда кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг, масалан, пойафзал таъмирлаш, кийим тикиш, сартарошхоналар ва бошқаларни сезиларли даражада камайтирди. Сўнгги йилларда уй тозалаш, идиш ювиш, гилам ювиш ва шу каби пуллик хизматлар кенг тарқалди, ammo карантин даврида бундай хизматлар ҳам тўхтатилди.

Сўровдан олдинги 30 кунлик даврда инфратузилма хизматлари кўрсатилишини баҳолаш сўралганида, респондентлар умумий сифат карантингача бўлган даражада сақланиб қолган, деб ҳисоблашди. Хусусан, респондентлар пенсия ва нафақалар билан таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва жамоат

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий фаолият турлари бўйича бандлар сонининг тақсимланиши (2017 йил учун ўртача) <https://gender.stat.uz/uz/osnovnye-pokazateli-uz/trud-uz/zanyatost-naseleniya-uz/919-iqtisodiyot-tarmoqlari-bo-yicha-bandlar-2016-yil-uchun-o-rtacha-2>

хавфсизлиги, тиббий ёрдам ва озиқ-овқат шохобчалари фаолияти яхшиланганлигини таъкидладилар. Респондентларнинг фикрича, чеклов чораларини қўллаш даврида аҳоли электр ва газ таъминотида муаммоларга дуч келмаган. Чиқиндиларни ташиш ҳам мунтазам равишда амалга оширилиб келинмоқда. Респондентларнинг жавобларининг бундай тақсимланиши Ўзбекистондаги барча хуудларнинг шаҳарларида ҳам, қишлоқларида одатий бўлган. Бу эса мамлакатда кучли маҳаллий давлат аппарати сақланиб қолганлигидан далолат беради.

1-жадвал. Сўнгги 30 кун ичида қуйидаги хизматлардан фойдаланиш имконияти қай даражада ўзгарди?

Соҳа	Яхшиланди (бироз / анча)	Аввалгидек қолди
Пенсия ва нафақалар тўлови	80,8	13,2
Ҳуқуқ-тартибот ва жамият хавфсизлигини таъминлаш	78,0	19,8
Тиббий хизматлар	69,9	26,4
Озиқ-овқат дўконлари ва бозорлар	65,2	27,6
Банклар ва уларнинг бўлимлари	58,5	29,4
Дорихоналар	51,0	45,4
Электр энергияси таъминоти	49,6	45,6
Чиқиндиларни ташиш	46,6	44,2
Газ таъминоти	46,2	50,0
Давлат хизматлари марказлари	43,8	43,3
Ичимлик суви билан таъминлаш	36,2	55,9

Шу билан бирга, энг муҳим қаноатланмаслик даражаси Интернетнинг ишлаши билан боғлиқ (ёмонлашув деярли ҳар тўртинчи респондент томонидан қайд этилган – 19,5%). Интернет хизматининг рисоладагидек кўрсатилишига ўзини ўзи яқкалаш (изоляция қилиш) давридаги интернетдан ёппасига фойдаланишдаги кескин ўсишлар таъсир кўрсатди. Интернетга киришнинг чекланганлигини, айниқса, қишлоқ жойларда мактаб таълими ва уй хўжаликлари учун масофадан ишлашга таъсирини баҳолаш фойдадан холи бўлмас эди.

Тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти

Сўров иштирокчиларига аҳолининг тиббий ёрдамдан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун иккита савол берилди. Сўров ўтказилгунга қадар соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имконияти ўзгарганми ёки йўқми деган умумий саволга, уларнинг 70 фоизи бироз яхшиланганлигини таъкидладилар. 1-жадвалга қаранг Шу билан бирга, маҳалла аҳолиси тиббий хизматдан фойдаланишда муаммоларга дуч келгани ёки йўқлиги ҳақидаги саволга, 59,3% ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган деб жавоб беришди (қизиғи, 20% респондентлар фойдаланиш қийинлашди, деб жавоб беришди). Ушбу жавоб бутун мамлакат бўйлаб ва барча вилоятларда деярли бир хил бўлди. Тиббий хизмат кўрсатиш имконияти шаҳар ва қишлоқларда тахминан бир хил даражада. Бироқ, Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида 25 фоиздан кўпроқ жавобларда ундан фойдаланиш имконияти бироз ёмонлашгани таъкидланган.

Умуман олганда, маҳалла раҳбариятининг жавоблари шуни кўрсатадики, тиббий хизматлар фаолиятида иккинчи даражали хизматлар мажбурий тарзда чекланган коронавирусга қарши кураш жараёнида қутилиши мумкин бўлган аниқ ўзгаришлар аниқламаган. Ушбу ҳолат маҳаллаларда бирламчи тиббий-санитария хизматлари фаолиятини кучайтириш муҳимлигини кўрсатади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, сўровда муайян тиббий хизматлар тури кўрсатилмаган. Гарчи Ўзбекистон учун тегишли маълумотлар мавжуд бўлмаса-да, Марказий Осиёда шу даврда ўтказилган бошқа баҳолашларда аёлларнинг катта қисми жинсий ва репродуктив саломатлик хизматларидан фойдаланишдаги қийинчиликларни қайд этишган⁴⁷. Аёллар ва эркекларнинг ўзига хос эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, улар учун соғлиқни сақлаш хизматлари кўрсатилишида доимий қийинчиликлар мавжудми ёки йўқлигини батафсил ўрганиш ҳам фойдадан холи бўлмас эди.

Таълим олиш имконияти

Тадқиқотга кўра, маҳаллаларда тўртинчи ва бешинчи навбатда энг кўп учрайдиган муаммолар мактабгача таълим (32,1%) ва мажбурий ўрта таълимга (31,2%) тегишли бўлди. Деярли ҳар учинчи респондент шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларида ҳам шу муаммоларни маҳалла аҳолиси учун муҳим деб таъкидлаган. Тадқиқот саволларида таълим билан боғлиқ аниқ муаммо таъкидланмаган бўлса ҳам, натижалар аҳоли бундай чоралар аллақачон жорий қилингани ва мактабларда таътил бошланиб бўлгани сабабли, эҳтимол, карантин чоралари таълим соҳасига таъсир қилишига ишонмайди. Бирок жамоатчилик чеклов шароитидаги таълим жараёнларига ҳозирча анча умидсизлик билан қарамоқда. Респондентларнинг 20 фоизга яқини масофавий ўқитишни ташкил этишдаги қийинчиликларни қайд этди. Умумий бошқа хавотирлар мактаблар ёпилганидан кейин таълим ва телевидение орқали олиб бериладиган дарсларда ўқитиш сифатининг анча пастлиги билан боғлиқдир. Фақат бир неча мактаблар, асосан хусусий мактаблар онлайн-машғулотларни COVID-19 авж олишига қадар бўлган жадвалга мутаносиб тарзда ўтказиш олдди. Бутун республика бўйлаб олинадиган бўлса, таълим тизими масофавий хизматларни болаларнинг барчасига тақдим этишга қодир эмас.

Саволномага мактаблар ёпилишининг бевосита хотин-қизларга таъсири тўғрисида саволлар киритилмаганди, лекин респондентларнинг ярмига яқини умуман хотин-қизларнинг рўзғордаги ҳақ тўланмайдиган, шу жумладан болаларни парваришlash борасидаги мажбуриятлари пандемия даврида кўпайди деган фикрда. (Ушбу мавзу қуйида 4-бўлимда муҳокама қилинади). Ҳақиқатан, дунёнинг кўп мамлакатларида “ўзини яқкалаш” даврида болаларнинг таълим олишини назорат қилиш бўйича масъулиятни аёллар ўз зиммаларига олдилар. Шундай қилиб, тадқиқот давомида бу масала кўтарилмаган бўлса ҳам, болаларнинг таълим олиши борасидаги чекланишлар уларнинг камол топишига ҳамда аёлларнинг даромад келтирувчи ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш имкониятларига жиддий таъсир кўрсатади.

Аҳоли учун кенг тарқалган муаммолардан яна бири – мактаб битирувчиларининг олий маълумот олиш ва ишга жойлашиш истикболи. 2020 йилда Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларини 452 минг нафар йигит-қиз битирди. Улардан 70 000 нафари олий маълумот олиши ва 85 000 нафари касбий таълим олиши қутилганди. Агар тахминдаги 95 000 нафар ёшлар иш топа олсалар, аввалгидек, яна 200 000 нафар йигит-қизни иш билан таъминлаш зарур бўлади⁴⁸.

Ўзбекистонда гендер тенглик мажбурий таълим тизимида тўлақонлиликка яқин бўлгани ҳолда, ўрта ва олий таълимдан кейинги поғоналарда гендер тафовут кузатилади. Масалан, 2018-2019 ўқув йилида олий маълумот олган талабалар ичидан 44,3 фоизини хотин-қизлар ва 55,7 фоизини эркеклар ташкил

⁴⁷ Қаранг: UN Women Regional Office for Europe and Central Asia, 2020, The Impact of COVID-19 on Women's and Men's Lives and Livelihoods in Europe and Central Asia: Preliminary Results from a Rapid Gender Assessment, 31-бет.

⁴⁸ Nuz.uz, Со следующего учебного года в школах вводится система профессионального обучения, 14 июля 2020 г., <https://nuz.uz/obschestvo/1159768-so-sleduyushhego-uchebnogo-goda-v-shkolah-vvoditsya-sistema-professionalnogo-obucheniya.html>

этган⁴⁹. Бундан ташқари, хотин-қизлар эркакларга нисбатан камроқ олий маълумотга эга бўладилар, бу ҳолат эса тегишли ёшда оила ва уй-рўзгор мажбуриятлари анча жиддий тус олишини акс эттиради. 25 ёш ва ундан катта бўлган аҳоли орасида тугалланган олий маълумотга эга хотин-қизлар 12,5 фоизни ташкил этади, қиёслайдиган бўлсак, эркакларда бу кўрсаткич 20 фоизга тенг⁵⁰. Бунда ёш аёллар орасида (16 ёшдан 25 ёшгача) ишсизлик даражаси худди шу ёшдаги эркаклар орасидагига караганда анча юқори – 2019 йилда аёлларда 20,5% ва эркакларда 15,7%⁵¹. Гарчи сўров натижалари ёш аёллар маълумотга эга бўлишда кўпроқ чекловларга дуч келаётганларини кўрсатмаса ҳам, илгари мавжуд бўлган гендер тенгсизлик ҳисобга олинса, ўтиш давридаги, яъни ўрта таълимни тугаллаётган ёш хотин-қизлар ва таълим олишни якунлаб, ишлай бошлаётганлар COVID-19нинг салбий оқибатларини енгиб ўтишда қўллаб-қувватланишларини таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Ўзбекистон ҳукумати қизлар ва ёш аёллар, айниқса қишлоқ ҳудудларида яшовчилар таълим олишларини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ташаббусларни амалга оширмоқда, соҳада эришилган муваффақиятлар пандемия оқибатида ортга сурилмаслигини таъминлаш лозим бўлади. Бу ёз даврида Ўзбекистоннинг пандемияга қарши курашишни давом эттириш шароитида ўрта ва олий таълимнинг ўрта муддатлардаги истиқболлари ҳақида фаол ахборот кампаниясини олиб бориш муҳимлигидан далолат беради.

3. Ҳимояга муҳтож аҳолининг ортиши

Пандемия аҳволи заиф саналадиган кишилар тоифасининг кенгайишига олиб келди, бу эса тарихан заиф ҳисобланган ижтимоий қатламларнинг ҳал этилмаган муаммоларига қўшилиб, объектив равишда мамлакатнинг ижтимоий инфратузилмаси зиммасидаги юкларни оширди. Инсонни “заиф” ва ижтимоий ёрдамга муҳтож сифатида баҳолаш маҳалла қўмитасининг ваколатли аъзоси бевосита ташриф буюрганидан сўнг ҳал қилинади (баъзан Ички ишлар вазирлиги вакилининг кузатувида). Авваллари “заиф гуруҳлар” тоифасига имкониятлари чекланган кишилар ва даромади паст уй хўжаликлари, фақат отаси ёки онаси бўлган уй хўжаликлари, кекса ва бошқа муҳтож кишилар киритилган. Гендер кўп жиҳатдан заифлик вазиятлари билан кесишади. Масалан, Ўзбекистонда ёлғиз ота-оналарнинг аксарияти оналардир; ногирон аёллар ва қизлар тегишли тиббий хизматлардан фойдаланиш ва таълим олишда алоҳида муаммоларга кўп дуч келадилар, кекса аёллар ва кекса эркаклар ҳам бир-биридан фарқли эҳтиёжларга эга. Умуман заиф аҳволдаги хотин-қизлар жинс белгилари ва бошқа омилларга кўра камситишнинг кўплаб шакллари дучор бўладилар. COVID-19 авж олиши олдиндан маргиналланган одамларни янада заиф аҳволга солиб қўйди. Шунингдек, у мигрант ишчилар, оиладаги зўравонлик шароитида яшаётган аёллар, сурункали касалликлари бор кишилар ва бошқа мамлакатлардан келганлар, майда гуруҳлар каби (бу ҳам уларнинг айримлари, холос) аввалдан “заиф” ҳисобланган аёллар ва эркаклар ёки қиз ва ўғил болаларнинг муайян гуруҳлари муҳтож аҳволга тушиб қолиши мумкинлигини кўрсатди⁵².

2020 йил май ойидаёқ маҳалла қўмиталарининг раҳбарлари кам таъминланган болали оилаларга ижтимоий нафақалар, ишсизлик бўйича нафақа, норасмий банд кишиларни расман ишга жойлаштиришда институционал кўмак бериш, аёллар ва гендер жиҳатидан зўравонликни бошидан кечирганлар учун фуқаролик ва гендер зўравонлик масалалари бўйича ҳуқуқий ва психологик

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2010/2011-2018/2019 ўқув йиллари бошида ҳудудлар бўйича олий ўқув юртлиридаги талабалар сони, <https://gender.stat.uz/ru/osnovnye-pokazateli-obrazovanie/vysshee/1134-chislennost-studentov-vysshih-obrazovatelnykh-uchrezhdenij-po-regionam-na-nachalo-2010-2011-2018-2019-uchebnogo-goda>

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистоннинг 25 ёш ва ундан катта ёшли аҳолининг маълумоти, <https://gender.stat.uz/en/i-group-en/943-the-level-of-education-of-the-population-is-25-years-and-older-in-the-republic-of-uzbekistan>

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. 16-25 ёшли йигит-қизларнинг ишсизлик даражаси, <https://gender.stat.uz/en/i-group-en/1336-unemployment-rate-among-women-and-men-aged-16-25-years>

⁵² Қаранг: United Nations, COVID-19 and Human Rights: We are all in this together, April 2020, https://www.un.org/victimsofterrorism/sites/www.un.org.victimsofterrorism/files/un_-_human_rights_and_covid_april_2020.pdf

маслаҳатлар, имкониятлари чекланган кишилар учун ижтимоий хизматлар ва бошқа кўп турдаги ижтимоий ёрдам хизматиغا муҳтож фуқаролар сонининг ортганлигини қайд этган эдилар. Сўралганларнинг учтадан биттаси (33,8%) ижтимоий ёрдам бирмунча ошиши лозим деб ҳисоблайди. Ўнтадан биттаси ўсиш томонга қараб катта ўзгариш бўлишини кутади.

Пандемия шароитида даромадларнинг камайиши ва даромад манбаини йўқотиш хавфи муҳитида маҳалла томонидан ёрдам кўрсатилишига аҳолининг кам таъминланган қатламлари муҳтож бўлиши тушунарли, лекин ҳозирги кундаги барча ижтимоий заиф гуруҳларни аниқ баҳолаб чиқиш ҳам ҳаётий жиҳатдан муҳимдир.

Аҳолининг энг кўп жабр кўрган қатлами

Аҳолининг қайси қатламлари COVID-19 нинг салбий оқибатларини ўзида энг кучли ҳис этганлиги ҳақидаги саволга респондентларнинг 40 фоизи “даромади паст оилалар” ва “кўп болали оилалар”ни (беш ва ундан ортиқ фарзандлари бор деб таърифланадиганлар) белгилади. Сўровдан ўтганларнинг 30 фоизидан ортиғи меҳнат мигрантлари ва 30 ёшгача бўлган меҳнат қилишга яроқли ёшларни қайд этди. 10-расмга қаранг.

10-расм. COVID-19 пандемиясидан аҳолининг қайси қатлами энг кўп жабр кўрди?



Респондентлар умумий сонининг 15 фоиздан 20 фоизгачаси пандемиянинг салбий таъсирини ҳис этаётганлар сифатида ишбилармонларни, кексаларни ва алоҳида эҳтиёжларга эга / соғлиқ имкониятлари чекланган кишиларни кўрсатди. Етти фоизга яқин жавоб берганлар ёлғиз ота ва ёлғиз оналарни кўрсатган бўлса, маҳаллалар раҳбарларининг икки фоизидан камроғи бу рўйхатга майда миллатлар ёки ёмон одатларга тобелиги бор шахсларни киритди.

Ушбу рақамлар кўп болали оилалар ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларни бундан кейин ҳам давом эттириш ва кенгайтириш муҳимлигини билдиради. Шу билан бирга, бу хилдаги ёрдам ишбилармонлик фаолияти ҳисобига қўшимча даромад манбаларини яратиш учун шароит ташкил этиш билан бир вақтда олиб борилиши керак. Шунингдек, жавоблар маҳалла раҳбарлари азалдан ижтимоий ёрдам олиб келган заиф гуруҳларни, масалан, даромади паст оилаларни янада кучли шижоат билан аниқлаши зарурлигини кўзда тутаяди, лекин COVID-19 пандемияси туфайли юзага келган янги заиф соҳаларни аниқлаб олиш учун уларга имкониятларини

кўшимча равишда кенгайтириш талаб қилиниши мумкин. Масалан, бундай соҳаларга бизнесини йўқотган ишбилармонларни, норасмий секторда ишлаган ва ижтимоий ҳимоя тизимидан фойдалана олмаган кишиларни, ихтисослашган тиббий хизматлардан фойдалана олмаган алоҳида тиббий эҳтиёжларга эга аҳоли гуруҳларини (шу жумладан, сурункали касалликлари бор одамлар, масалан, ОИТВ бор одамлар ҳамда ёмон одатларга тобе одамлар) ва бошқаларни киритиш мумкин.

Муайян гуруҳлар қанчалик жабр кўрганлигини тўлиқ тушуниб олиш учун, одатда, кўшимча тарзда баҳолаб чиқиш талаб қилинади. Масалан, пандемия “дахл қилган” ёшлар таълим олиш ёки ишга жойлашиш имкониятини йўқотишга дуч келиши мумкин, айти пайтда кекса кишилар соғлигининг ёмон аҳволда эканлиги ёки яққаланиш туфайли жабр кўришлари мумкин. Бундан ташқари, қайси аҳоли қатламларининг аҳволи кўпроқ заифлашганини аниқлаш учун гендер жиҳатидан таҳлил қилиш самара берган бўлар эди. Масалан, юқорида қайд этилганидек, қайтиб келаётган мигрантларнинг аксарияти – эркалар. Бироқ “меҳнатга яроқли ёшдаги ёшлар”, “кексалар”, “ишбилармонлар” ва “имкониятлари чекланган кишилар” каби умумий тоифалар доирасида аёллар ва эркалар турли хилдаги қийинчиликларга дуч келадилар, агар бу қийинчиликлар аниқ тавсифланган бўлганида эди, уларни янада кўпроқ самара билан ҳал этиш мумкин бўларди.

Заиф қатламлар орасидаги минтақавий фарқлар

Тошкент шаҳрида кам таъминланган оилаларни асосий жабр кўрган гуруҳ сифатида нисбатан камроқ респондентлар кўрсатган бўлсада (минтақадаги респондентларнинг 34 фоизи), бошқа минтақаларда ушбу гуруҳни белгилаганлар тахминан 40 фоизни ташкил этди. Бундай жавоб берган респондентларнинг фоизи Самарқанд ва Наманган вилоятларида энг кўп бўлиб, 55 фоиздан ошди.

Кўп болали оилалар асосий жабр кўрган гуруҳ сифатида Хоразм вилоятида (26% респондентлар) бошқа минтақаларга нисбатан (маҳалла вакилларининг 35% дан кўпи белгилаган) анча кам танланди. Бундай оилаларни кўрсатиш улуши Тошкент вилоятида айниқса юқори (сўралганларнинг 49%).

Тошкент минтақаси (шаҳар ҳам, вилоят ҳам) маҳаллага қайтиб келган меҳнат мигрантлари тўғрисидаги жавоблар сони бўйича бошқа минтақалардан кескин фарқ қилади. Энг кўп жабр кўрган гуруҳ сифатида меҳнат мигрантлари 14 та минтақадан 10 тасида 34 фоиздан 48 фоизгача жавоблар даражасида белгиланди. Жавобларнинг энг юқори фоизи Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, мос равишда 47% ва 48% ни ташкил этди. COVID-19 нинг меҳнат мигрантларига нисбатан таъсирига оид жавоблар сонидagi минтақавий фарқлар меҳнат миграцияси қишлоқ ҳудудларининг анча кенг тарқалган ўзига хос хусусияти эканлиги билан изоҳланади, чунки мазкур ҳудудларда ишга жойлашиш ва даромад олиш имкониятлари чекланганлиги ички ҳамда халқаро миграция кучайишига олиб келади.

2-жадвал. Ҳудудлар бўйича COVID-19 нинг салбий таъсиридан энг кўп зарар кўрган аҳоли қатламлари

	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Фарғона вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Хоразм вилояти	Наманган вилояти	Навоий вилояти	Қорақалпоғистон	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти
Кам таъминланган оилалар	51	45	49	51	54	40	56	49	46	57	49	41	34	43
Кўп болали оилалар	37	38	38	40	43	26	40	35	39	43	42	36	42	49

Қайтиб келган меҳнат мигрантлари	42	37	39	47	48	37	43	24	43	26	38	34	9	16
Ёшлар (19-30 ёш)	29	34	33	35	27	27	28	24	29	31	35	33	39	31
Қариялар (50 ёшдан катта)	24	13	17	12	12	18	17	23	16	23	21	17	34	19
Тадбиркорлар	14	17	19	16	9	15	15	19	17	14	20	11	25	14
Ногиронлар	18	11	11	13	7	10	10	22	13	19	19	12	22	23
Ёлғиз аёллар/болали васийлар	8	9	5	5	12	2	6	4	3	6	2	6	16	11
18 ёшгача болалар	3	9	5	7	10	5	4	8	8	9	5	10	16	6

Бошқа минтақалар билан қиёслаганда, Тошкентда 19 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар асосий жабр кўрган гуруҳ деб кўрсатилди (39% респондентлар). Мазкур жавоб варианты Навоий вилоятида энг кам кузатилди (бор-йўғи 24% респондентлар).

Ундан ташқари, тошкентлик респондентлар бошқа минтақаларда яшовчилардан фарқли равишда кекса кишилар (50 ёш ва ундан катталар) пандемиядан кўпроқ азият чекади деб кўрсатдилар (34%, яъни бошқа респондентлар улушидан 10-20% юқори). Бу жавоб Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида кам белгиланди (ҳар бир вилоятда респондентларнинг бор-йўғи 12-13%).

Шунингдек, мамлакат пойтахтида аҳолининг кучли жабрланган гуруҳи сифатида ишбилармонлар кўрсатилди (25%, бошқа минтақалардаги респондентларнинг улушидан 5-15% га юқори). Бу ҳолат йирик шаҳарларда ва хусусан Тошкентда мавжуд кичик бизнес умумий сонининг акси бўлса керак. Қашқадарё вилоятида жуда кам сонли респондентлар ишбилармонларни заиф гуруҳ деб атадилар (бор-йўғи 8%).

Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятида пандемия вазиятида айниқса заиф аҳоли гуруҳи сифатида соғлиғи туфайли алоҳида эҳтиёжларга/ногиронликка эга кишилар кўрсатилди (7% респондент). Айни пайтда бу хилдаги жавобни Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Навоий вилоятида сўралганларнинг 20 фоиздан кўпи танлади.

Тошкент шаҳри ёш болали ва вояга етмаган болали ёлғиз аёлларни / васийларни алоҳида гуруҳ деб қайд этган маҳалла вакиллари сонининг кўплиги билан аксарият минтақалардан ажралиб туради (15 фоиздан ортиқ Тошкент аҳолиси, бошқа минтақалар билан қиёслаганда бор-йўғи 2-10 фоиз респондентлар). Қашқадарё вилояти ҳам иккала вариантни танлашнинг нисбатан юқори даражасига эга. Аксинча, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида ёлғиз ота-оналар ёки вояга етмаган болаларни пандемиядан энг кўп жабр кўрганлар сифатида белгиланган респондентлар улуши жуда паст (5 фоиздан кам).

Зарурий ёрдам ва кўмак шакллари

Олинган маълумотлар кўрсатишича, умуман маҳалла вакиллари жамоадаги заиф гуруҳларга ёрдам кўрсатиш зарурлигини англайдилар, бироқ бундай муаммоларни ҳал этишда улар ўзлари қай даражада аҳамият касб этишларини билмайдилар. Масалан, пандемия келтириб чиқарган ишсизлик муаммосига жавобан респондентлар давлат учун асосий йўл иқтисодиётнинг турли соҳаларида юқори ҳақ тўланадиган иш ўринларини яратиш деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари, маҳаллаларнинг вакиллари нақд ҳисоб-китобларга (“пул вертолёт” аталмиш) ва озиқ-овқат тўпламларига катта эътибор қаратадилар. Сўровда иштирок этган маҳалла вакилларининг ўртача тўртдан уч қисми аҳолининг молиявий / моддий ва озиқ-овқат ёрдамига бўлган эҳтиёжни қайд этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бевосита ёрдам кўрсатиш ўз муаммоларини мустақил ҳал эта олмайдиган одамлар гуруҳлари учун муҳимдир. Хусусан, бундай ёрдамга муҳтож бўлганларнинг кўпинча

қуйидаги гуруҳлари ажратилди (40-60% респондентлар): соғлиғи жиҳатидан алоҳида эҳтиёжлари бўлган кишилар (ногирон кишилар), кўп болали оилалар ва ёлғиз ота-оналар (ёки васийлар). Кўп болали оилаларга нисбатан иш билан таъминлаш варианты анча кўп ҳолатларда танланди (сўралганларнинг 30 фоиздан ортиғи кўрсатган), бироқ вояга етмаган фарзандлари бўлган кўп болали оилалар учун жавоб сифатида кам танланди (фақат 18% респондентлар). Сўнгги хулоса болаларни парваришлаш ва / ёки мактабгача таълим имкониятлари ҳамда мослашувчан иш жадвали аксарият маҳаллаларда чекланганлигидан далолат беради, бу эса ёлғиз ота-оналар (асосан ёлғиз оналар) ишга жойлашишда ёрдам олиши даргумонлигидан далолат беради.

Ёлғиз кексаларга нисбатан респондентларнинг зарур ёрдам тўғрисидаги фикрлари анча фарқ қилади. Тахминан жавобларнинг шунча сони (20-30% респондентлар) маънан қўллаб-қувватлаш, моддий кўмак, психологик ёрдам, тиббий ёрдам ва дорилар етказиб беришни кўрсатди. Кўпроқ озик-овқат маҳсулотлари билан ёрдам бериш танланди (37% респондентлар). Ушбу хулоса шундан далолат берадики, ёхуд кекса кишиларнинг заифлиги ва эҳтиёжларининг кўлами кенг, ёхуд кекса эркак ва аёлларга қандай ёрдам кўпроқ фойда келтиришини янада аниқроқ белгилаш учун бундан кейин ҳам баҳолашни давом эттириш зарур.

Ёрдам кўрсатишнинг юқорида қайд этилган барча турлари соғлиғи туфайли алоҳида эҳтиёжларга эга кишилар учун зарур деб респондентларнинг тўртдан уч қисми кўрсатди, лекин бу ерда ҳам, юқорида қайд этилганидек, моддий ва озик-овқат билан ёрдам кўрсатиш жавобларнинг олдинги қаторида бўлди.

Алкоголли ичимликларга ёки гиёҳвандлик воситаларига тобе шахслар билан боғлиқ ҳолатда 20 фоиздан ортиқ респондентлар психологик ёрдам зарурлигини ва тахминан 15 фоиз респондент тиббий ёрдам, иш билан таъминлаш зарурлигини кўрсатди.

COVID-19 вирусига чалинган одамларни қоралаш

Сўров 2020 йилнинг майида ўтказилган бўлса ҳам, у пайтга келиб мамлакатнинг барча минтақаларида COVID-19 тарқалиши юз берган эди. Маҳаллаларида COVID-19 билан оғриётган / оғриб ўтган одамлар бор деб хабар берган маҳалла вакилларининг энг кўп фоизи Тошкентда (8,1%) ва Навоий вилоятида (7,2%) кузатилди. Айни пайтда тадқиқотда аниқланган асосий муаммолардан бири COVID-19дан даволанаётган ёки соғаяётган / соғайган одамларга нисбатан эҳтиёткорона муносабат бўлди. Қарийб ҳар учта респондентдан биттаси маҳалла аҳолисининг бундай одамларга муносабати тўғрисида сўралганда, “мулоқот қилишдан ўзини четга олишга” ҳаракат қилишини айтди⁵³. Бундан ташқари, салкам бешта респондентдан биттаси COVID-19 билан оғриган беморларни яққалаш муаммосини тилга олиб, аҳолига нисбатан норозилик билдирди.

⁵³ Натижалар фақат ўз маҳаллаларида COVID-19 билан касалланганлар мавжудлигини кўрсатган респондентлар тоифаларига тегишли.

11-расм. COVID-19 га чалинган кишиларга нисбатан маҳаллангизда яшовчилар қанақа муносабатда бўладилар?



COVID-19дан даволанаётган ёки тузалган одамлар билан мулоқотдан ўзини четга олиш истагини Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги респондентларнинг (респондентлар фикрича, касаллик ўчоғи бўлган маҳаллалар ичидан) 30 фоиздан ортиғи қайд этди.

Андижон, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги респондентлар COVID-19 дан даволанаётган ва тузалган кишиларга нисбатан 30% атрофида салбий муносабат билдирдилар. Бу ҳолат мамлакатнинг айрим минтақаларида аҳоли орасидаги тузалганларга нисбатан маълум даражада кўрқув мавжудлигидан далолат беради. Бироқ бундай яққаловчи муносабатда гендер жиҳатидан ёндашув бор-йўқлиги аниқ эмас. Глобал қонуниятлар шуни кўрсатадики, хотин-қизларда COVID-19 ташхисини олиш эҳтимоли кўпроқ, чунки бу бутун дунёда тиббиёт ходимларининг аксариятини хотин-қизлар ташкил этганлиги ва тест топшириш эҳтимоли катта эканлиги билан боғлиқ. Бироқ ўлим ҳамиша эркаклар орасида аёлларга нисбатан юқорида даражада қайд этилади. Кўп мамлакатлар COVID-19 ёки ўлим ҳолатлари ҳақидаги хабарни жинсга ажратиб хабар қилмайди, бу нарса, афтидан, Ўзбекистонга ҳам хосдир. Бироқ соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари ва беморларни уйда парвариш қиладиган шахсларнинг тутган ўрнини ҳисобга олиб, хотин-қизлар COVID-19 билан зарарланиш борасида алоҳида хавф остида ва, демак, агар улар COVID-19 юқтирган деб тахмин қилинса, уларнинг яққаланиш эҳтимоли бор деб тахмин қилиш мумкин. Бир вақтнинг ўзида эркаклар ҳам, агар улар юқтирмаслик учун эҳтиёткорлик чораларини кўрсалар (масалан, юз ниқобини тақиб юрсалар), яққаланишга учрашлари ёки ундан хавфсирашлари мумкин.

COVID-19 дан даволанаётган одамларга нисбатан хавфсираб муносабатда бўлишга қарамасдан, сўров респондентлари маҳаллалар бундай кишиларга ёрдам кўрсатиш чораларини кўраётганлигини қайд этадилар. Энг кўп тарқалган ёрдам шакли озиқ-овқат тўпламлари бўлиб (44% респондентлар шундай кўринишдаги ёрдамни қайд этади), ундан сўнг кишилар томонидан химоя ва ўз-ўзини яққалаш чораларига риоя қилишни таъминлаш туради. Қуйидаги 12-расмга қаранг.

12-расм. COVID-19 билан касалланганларга маҳаллангиз қандай ёрдам беради?



COVID-19 дан даволанаётган одамларга маҳалла кўрсатадиган ёрдам шакли одатда заиф уй хўжаликларига таклиф қилинадиган ёрдамга ўхшайди (5-бўлимга қаранг). Хусусан, бевосита молиявий қўллаб-қувватлаш ёки кўнгиллилар кўрсатадиган хизматларни мувофиқлаштиришга қараганда, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ёрдам беришнинг энг тарқалган ва жуда кўп учрайдиган шаклидир.

4. Хотин-қизларга хос таъсири

2020 йил апрель ойининг бошида БМТ Бош котиби хотин-қизлар учун COVID-19 оқибатларини бартараф қилиш бўйича махсус Қўлланма чиқарди, унда иқтисод ва саломатликка таъсири, хотин-қизлар томонидан бажариладиган парвариш бўйича ҳақ тўланмайдиган ишларнинг кўпайиши ва карантин ёки “ижтимоий яккаланиш” натижасида гендер зўравонликдаги экспонент ўсиш каби масалаларга эътибор қаратилди⁵⁴. Дунёдаги барча мамлакатларга “хотин-қизларни – уларни жалб этиш, вакилликлари, ҳуқуқлари, ижтимоий ва иқтисодий натижалари, тенглиги ва ҳимоясини” барча миллий жавоб чораларининг марказига қўйиш таклиф этилди⁵⁵.

Бу Ҳисоботда аввал қайд этилганидек, Ўзбекистон ҳукумати хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни илгари суришга ҳамда аёлларни зўравонликдан, шу жумладан оиладаги зўравонликдан ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратмоқда. Вазирлик ва алоҳида маҳаллалар бу кафолатлар амалда рўёбга чиқишини таъминлашда муҳим ўрин тутуши лозим. Янги вазирлик ташкил этилгунига қадар маҳалла қўмиталарида хотин-қизларга оид масалалар бўйича мутахассис лавозими мавжуд бўлиб, у собиқ Хотин-қизлар қўмитасининг маҳаллий бўлинмалари билан боғланган эди. Хотин-қизлар қўмитасини қайта қуриш, эҳтимол, хотин-қизлар турмушини яхшилаш билан боғлиқ бевосита чоралар қабул қилиш борасида маҳаллаларнинг масъулиятини оширган бўлса керак.

Маҳалла – бу анъанавий ва баъзан консерватив тузилма бўлиб, унда хотин-қизлар тарихан муҳим ўрин тутмаган. Масалан, фақат сўнгги йилларда маҳаллалар раҳбариятида хотин-қизлар улуши 10 фоиздан ошди. Ҳукуматнинг барча турмуш соҳаларида хотин-қизлар тенг вакиллигини таъминлаш

⁵⁴ Қаранг: United Nations, Policy Brief: The Impact of COVID-19 on Women, 9 April 2020, <https://unsdg.un.org/resources/policy-brief-impact-covid-19-women>

⁵⁵ Ўша ерда. – 2-б.

борасидаги саъй-ҳаракатларига қарамасдан, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳали ҳам деярли барча тармоқлардаги раҳбар лавозимларида етарли даражада намоянда эмас. Масалан, хотин-қизлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фақат 22 фоизини ва Сенат депутатларининг 14 фоизини ташкил қилади. Маҳаллий парламентлар (Кенгашлар) аъзоларининг 23 фоизигина – хотин-қизлар. 2018 йилдаги маълумотларга кўра, Вазирлар Маҳкамасида хотин-қизлар улуши 6,5 фоизни, Ижроия ҳокимиятининг раҳбарлари орасида эса 15,3 фоизни ташкил этган. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларида раҳбар лавозимларнинг (раҳбарлар, ўринбосарлар) фақат 10 фоизини ва ўрта бўғин лавозимларининг 24 фоизини хотин-қизлар эгаллаган⁵⁶.

Мазкур тадқиқот COVID-19 пандемияси ва олдини олиш чоралари хотин-қизлар фаровонлигига кўрсатадиган таъсирнинг муайян ҳолатларини ҳамда Ўзбекистонда маҳаллалар раҳбарияти бундай муаммоларни қай тарзда юзага чиқарганлиги ва бартараф этиш чораларини кўрганлигини аниқлаш учун мўлжалланган бир неча саволларни ўз ичига олган эди. Умуман олганда, сўровнома жавоблари анча мавҳум манзарани берди. Сўров жавоблари COVID-19 пандемияси гендер омилига таъсир ўтказганлигини кўрсатса-да, қандайдир умумий хулоса қилиш учун натижалар жуда ноаниқ. Айни пайтда жавоблар сўровдан ўтказилган маҳаллалар вакилларининг хотин-қизлар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга муаммолар тўғрисидаги, айниқса маҳалла уй хўжаликларидаги оилавий зўравонлик ҳолатлари мавжудлиги ҳамда унинг қурбонларига қандай ёрдам зарурлиги тўғрисидаги билимлари муайян камчиликларга эга эканлигини кўрсатди.

Хотин-қизларнинг ҳақ тўланмайдиган уй юмушлари ва парваришlash ташвиши


COVID-19 пандемиясига қадар Ўзбекистонда уй хўжаликларида рўзгор ва парваришlash бўйича ҳақ тўланмайдиган ишлар юқини аёлларнинг ўзлари кўтарган. Бу вазият хотин-қизларнинг ишчи кучи таркибига ва ишбилармонлар сифатида эркакларга нисбатан паст даражада жалб қилинганлигида ўз аксини топади. Хотин-қизлар ва эркаклар ўз вақтларидан қандай фойдаланишлари борасида умумреспублика тадқиқоти ўтказилмаган бўлсада, қишлоқ жойларида ўтказилган кичик тадқиқотлар хотин-қизлар куннинг 60 фоизга яқинини овқат тайёрлаш, йиғиштириш, кир ювиш, кийимларни дазмоллаш ва тикиш каби вазифаларга бағишlashларини билдирдилар. Эркаклар бунақа ишларга ўз вақтларининг 11,5 фоизга яқинини сарфлашларини айтадилар. Қишлоқ жойларида яшовчи аёллар ҳисоблашларича, улар кунига 14 соатга яқин вақтни рўзгор ва фарзандларни парваришlash бўйича ҳақ тўланмайдиган ишларга сарфлайдилар⁵⁷.

Карантин даврида хотин-қизларнинг уй вазифаларида (шу жумладан уй ишлари, болаларга қараш ва бемор оила аъзоларини парваришlash) қандайдир ўзгариш кузатдингизми, деган саволга маҳаллалар вакилларининг тахминан ярми хотин-қизларнинг вазифалари кўпайди деб жавоб берди (“анча” – 15% га яқин ёки “унчалик эмас”). Респондентларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи хотин-қизларга иш кўпаймади деб ҳисоблайди ва фақат кам қисмигина уларнинг вазифалари камайди деган фикрда. Қуйидаги 13-расмга қаранг.

13-расм. COVID-19 туфайли хотин-қизларнинг уй-рўзгор ва парвариш бўйича ҳақ тўланмайдиган ишдаги улушлари қанчалик ўзгарди?

⁵⁶ Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси бажарилиши тўғрисида ҳисобот, 2019. - 38-б.

⁵⁷ Маълумотлар Осие тараққиёт банкининг лойиҳалари доирасида мақсадли гуруҳларда ўтказилган тадқиқотлар ва муҳокамалардан олинган. //Азиатский банк развития, 2014: Отчет по гендерной оценке страны в Узбекистане. - 10-б.



Фарғона вилояти, кейин Тошкент ва Бухоро вилоятлари маҳаллаларининг вакиллари кўпинча хотин-қизлар учун уй ишлари кўпайганини билдирдилар (Фарғона вилоятида 42 фоиздан ортиқ респондент, ундан сўнг келадиган иккита вилоятда 40 фоиздан ортиқ). Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё ва Навоий вилоятларидаги респондентлар уй ишлари юкласининг бунақа ошишини кам кузатганлар (30 фоиздан камроқ респондент).

Тошкентлик респондентлар хотин-қизларнинг иш жуда кўпайганини ёзишга анча мойилроқ (28 % тошкентлик респондент аксарият вилоятлардаги 15% га қарши), улардан сўнг Сирдарё (20%) ва Андижон (17%) вилояти респондентлари туради.

COVID-19 тарқалишининг олдини олиш чораларини амалга ошириш даврида хотин-қизлар учун уй меҳнати ҳамда болалар ва беморларни парваришлаш юки ўзгармасдан қолди деб ҳисоблайдиган респондентларнинг энг катта улуши Навоий вилоятида бўлиб, бу минтақадаги 55% респондентлар хотин-қизлар учун иш юкласи ўзгармаган деб ҳисоблайдилар, 32% эса хотин-қизларга иш кўпайди деб ҳисоблайди. Жиззах вилояти вакиллари хотин-қизларнинг уй меҳнати ва бола парваришлаш ишлари *анча кўпайганлиги* ҳақида фикрни жуда кам билдирган (фақат 7% шундай жавоб берди), бироқ кўпчилиги иш ҳажми бироз кўпайди деган фикрда (Жиззах вилоятидаги респондентларнинг 40 фоизи).

Хотин-қизларнинг ҳақ тўланмайдиган иш юкласидаги ўзгаришларга баҳо беришда кузатилган минтақавий фарқлар урбанизация даражасини тўла акс эттириши мумкин. Шаҳар ҳудудларидаги маҳаллаларнинг вакиллари, уларнинг фикрича, хотин-қизларнинг иш ҳажми ошди деган фикрни кўпроқ билдирганлар, айти пайтда қишлоқ жойлардаги маҳаллаларнинг вакиллари хотин-қизларга иш юкласи ўша даражада қолди деган жавобни нисбатан кўпроқ танлаганлар. Карантин чоралари иккинчи даражали хизматлар (шу жумладан йиғиштириш, тайёр овқатлар билан савдо қиладиган дўконлар ва ҳ.к.) ёпилишини талаб қилганлиги илгари шаҳар шароитида кўпроқ тарқалган мана шундай хизматларда банд бўлган хотин-қизларга катта таъсир ўтказди. Шунингдек, шаҳарларда аёллар мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар ёпилган, болалар эса уйда қолган пайтларида кўпроқ масофавий ишлашга ўтишган бўлса керак. Аксинча, қишлоқ аёллари болаларни парваришлаш ва уй ишларига кўшимча равишда бажарадиган кундалик вазифалар, масалан, рўзгор учун сув тўплаш ва қайнатиш, томорқага ишлов бериш, мол-ҳол ва паррандаларга қараш, сут соғиш ва нон ёпиш⁵⁸ каби COVID-19 га қарши кураш учун қабул қилинган чоралар натижасида вақт бўйича кўпайган бўлиши мумкин. Худди шу каби, Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларининг етишмаслиги ҳам. Қолаверса, бу муаммо COVID-19 гача пайдо бўлганди. Уч ёшдан олти ёшгача

⁵⁸ Қаранг: Осие тараққиёт банки, 2018: Ўзбекистонда мамлакатни гендер баҳолаш бўйича ҳисобот.

бўлган болаларнинг 24 фоизигина мактабгача таълим олади, холос, қишлоқ жойларида эса болаларни камраб олиш шаҳардагига нисбатан жуда паст даражада⁵⁹. Шундай қилиб, қишлоқ ҳудудлардаги маҳаллаларнинг вакилларига аёлларнинг кундалик юмушлари, шу жумладан кичкина болаларни парвариш қилиш ҳажми анча кўпайганлиги сезилмаган бўлиши мумкин.

Аёллар ва эркеклар ўз вақтларидан қандай фойдаланишларига янада аниқ баҳо беришга одатда текшириш ёрдамида ҳисобланадиган ўз-ўзини баҳолаш орқали эришиш мумкин. Бундай сўров билан камраб олинган маҳалла вакилларининг асосий кўпчилиги пандемиянинг хотин-қизлар вақтдан фойдаланишларига таъсири ҳақида маълумотлари билан ўртоқлашган эркеклар бўлди. COVID-19 авж олишига қадар ўтказилган ва маҳалла раҳбарларининг ярмини камраб олган тадқиқотлардан маълум бўлдики, хотин-қизлар вақт етишмаслигини кам ҳис этадилар. Бу эса аёллар ҳақ тўланмайдиган анъанавий, маҳсули кўринмайдиган вазифаларни бажаришга сарфлайдиган вақт уларга сермахсул, ҳақ тўланадиган иш учун кам вақт қолдиради. COVID-19 га қарши курашиш мақсадида қабул қилинган карантин чоралари хотин-қизлар бандлиги ва даромадларига уларнинг Ўзбекистон меҳнат бозорида тутган ўринларига боғлиқ равишда қандай таъсир қилган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги масала ушбу Ҳисоботнинг 1- ва 2-бўлимларида муҳокама қилинади. Аёллар учун ҳақ тўланмайдиган иш ва бола парвариши юқини камайтираётган ижтимоий ёрдам хизматларига киритиладиган давлат инвестициялари нафақат аёллар ва эркеклар ўртасидаги тенгсизликни қисқартиришда, балки хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришда, қашшоқликни камайтириш ҳамда муносиб меҳнат ва барқарор иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришда узокни кўзлайдиган натижалар бериши мумкин⁶⁰.

Оиладаги зўравонлик

Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашишга қаратилган ҳуқуқий негиз, шу жумладан уй зўравонлигини эрта аниқлаш ва олдини олиш, зўравонлик қурбонларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини яратиш, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик учун судга тортиш ва бундай жиноятлар бўйича маълумот тўплашга доир қонунчилик сўнгги йилларда анча кучайди. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун (2019) зўравонликнинг бир неча шаклини (жисмоний, жинсий ва руҳий) таърифлаб беради ва ички ишлар идораларига жафокорни уйдан вақтинча чиқариб юбориш имконини берадиган ҳимоя ордерини жорий қилади. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик муаммоси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шунингдек, “марказий ва маҳаллий ижроия ҳокимияти идоралари, таълим, меҳнат ва соғлиқни сақлаш идоралари, хотин-қизлар ташкилотлари ва бошқа ноҳуқумат ташкилотлар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари (маҳаллалар) ҳамда тазйиқ ва зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар” иштирокида кўпқиррали ёндашув йўли билан ҳал қилинади⁶¹.

Ҳозирги вақтда мамлакатда уй зўравонлигининг тарқалганлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар йўқ. Бироқ 2015 йилда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, 28% респондентлар руҳий зўравонликка учраган (сўз билан ҳақорат қилиш, ишлашни тақиқлаш, таҳдид қилиш, оила аъзолари ва дўстларидан яккалаб қўйиш, пул бермаслик кўринишида), 5,8% респондентлар турмуш ўртоғи томонидан жисмоний зўравонликка учраган, 0,5% респондентлар эса жинсий зўравонлик қурбони бўлган⁶².

⁵⁹ Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси бажарилиши тўғрисида ҳисобот, 2019. - 21-б.

⁶⁰ Қаранг: UNDP and UN Women, Investing in social care for gender equality and inclusive growth in Europe and Central Asia, Policy Brief 2017/01, 2017, <https://www.undp.org/content/dam/rbec/docs/undp-rbec-gender-investing-in-social-care-for-gender-equality-and-inclusive-growth.pdf>

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати, “Хотин-қизларга нисбатан камситилишнинг барча турларини бартараф қилиш тўғрисидаги конвенция”нинг 18-моддасига мувофиқ Ўзбекистон томонидан тақдим этилган олтинчи даврий маъруза., 2020 йил 23 январь, CEDAW/C/UZB/6, 27-банд.

⁶² Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси бажарилиши тўғрисида ҳисобот, 2019. – 27-б.

2018 йилда хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш учун умуммиллий ишонч телефони линияси очилди (уни собиқ Хотин-қизлар кўмитаси бошқарарди). Тахминан бир йил ичида ишонч линиясига 15 000 дан ортиқ кўнғироқ бўлди, уларнинг кўпчилиги “оилавий можароларга” тегишли эди⁶³. 2019 йил бошидаги ҳолатга кўра, Ўзбекистонда зўравонликдан жабр кўрганларга комплекс кўмак таклиф қиладиган 160 дан ортиқ марказ ишларди, ҳар бир минтақада (вилоят, шаҳар ва туманлар микёсида) марказлари бор эди. Марказ маъмуриятларининг маълумотига кўра, 2019 йилнинг январидан мартга қадар 4 120 нафар хотин-қиз марказлар орқали ёрдам олган. Бутун мамлакат бўйлаб жойлашган ноҳукумат ташкилотлари ҳам ишонч телефонига эга бўлиб, зўравонлик қурбони бўлган хотин-қизларга бошпана, ҳуқуқий ёрдам, руҳшунос маслаҳати ва бошқа турдаги ёрдам таклиф этади.

Зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасидаги сезиларли ўзгаришларга қарамадан, тадқиқот жамоалар микёсидаги жавоб чораларида жиддий камчиликлар мавжудлигини аниқлади (хусусан, 2019 йилда Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги 100 та маҳаллада ўтказилган тадқиқот). Қуйидаги камчиликлар аниқланган эди: зўравонликдан жабр кўрганларга ёрдамнинг чекланганлиги, оиладаги зўравонликларнинг олдини олишда самарадорлик етарли эмаслиги, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик муаммоси устида ишлайдиган масъул муассасалар ўртасида ҳамкорлик йўқлиги, хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқлари ҳақида билимлари етарли эмаслиги, айниқса оиладаги зўравонлик ва жамиятда ҳам, оилада ҳам сақланиб қолаётган хотин-қизларни камситиш муҳитида⁶⁴. Ушбу ҳулосаларга жавобан Хотин-қизлар кўмитаси оиладаги зўравонлик учун жавоб чораларини кучайтириш бўйича тавсияларни чоп этди ва бу тавсиялар аниқ муассасаларга, шу жумладан маҳалла кўмиталарининг хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланадиган мутахассисларига, минтақалардаги хотин-қизлар учун бошпаналарга ҳамда Ички ишлар вазирлигининг оиладаги зўравонликка қарши курашиш масалалари билан шуғулланадиган вакилларига жўнатилди.

COVID-19 авж олган пайтда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси хонадонларда бўлиб туриш ва одамлардан яққаланишни талаб қилувчи бошқа чоралар гендер зўравонлигининг ўсишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида ташвишини билдирди⁶⁵. Ўзбекистонда Олий Мажлиснинг Гендер тенглигини таъминлаш бўйича комиссияси ҳам хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг кўпайиш хавфи мавжудлигини қайд этиб, бепул маслаҳатлар (ҳуқуқшунослар ва / ёки руҳшунослар томонидан) таклиф қилувчи махсус ишонч линиясини очди, бу ишлар карантин даврига тўғри келди⁶⁶. Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастури томонидан ҳамкорликда уйда зўравонликка учрайдиган хотин-қизлар учун ахборот материаллари тайёрланиб, жойлардаги дорихоналар ва телевидение лавҳаларида тарқатилди⁶⁷.

Маълумотлар тўлиқ бўлмаганлиги туфайли Ўзбекистонда карантин даврида оиладаги зўравонлик ҳолатларининг ўзгаришини тавсифлаш имкони йўқ. Бироқ карантин жорий қилинган биринчи ҳафта давомида ноҳукумат ташкилотининг яхши ташкил этилган иккита ишонч линиясига биринчи ҳафтадаги кўнғироқлар сони беш бараварга ошди. Булар қайд этилган рақамлар бўлиб, афтидан, мамлакатда зўравонликнинг ҳақиқий микёсини намоиш этади. Кўпчилик зўравонликка чидаб юради, чунки улар ўз ҳуқуқларини билмайдилар ва зўравонлик ҳақида хабар беришдан, ёрдам

⁶³ Ўша ерда. - 29-б.

⁶⁴ Ўша ерда. – 27-б.

⁶⁵ OHCHR, COVID-19 and Women’s Human Rights: Guidance, 15 April 2020,

https://www.ohchr.org/Documents/Issues/Women/COVID-19_and_Womens_Human_Rights.pdf

⁶⁶ Ишонч телефони хизмати БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ҳам кўллаб-қувватлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборот хизмати, Гендер комиссияси ишонч телефони йўлга қўйилди, 2020 йил 11 апрель, <http://senat.uz/uz/lists/view/1312>


⁶⁷ Қаранг: UNDP, Reducing domestic violence caused by the COVID-19 lockdown in Uzbekistan, 27 April 2020, <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/presscenter/pressreleases/2020/04/reducing-domestic-violence-caused-by-the-covid-19-lockdown-in-uz.html>

сўрашдан жуда кўрқадилар ёки яқин ўртада бошпана йўқлиги учун кета олмайдилар. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги томонидан 2020 йил 6-12 июль кунлари эълон қилинган маълумотлар қайд этилган уй зўравонлиги ҳолатлари ҳафтасига 187 тадан 213 тагача ошганини кўрсатади, бундан 54% – рухий зўравонлик, 44% – жисмоний зўравонлик, қолганлари иқтисодий зўравонлик ҳолатлари бўлган⁶⁸. Хукукни муҳофаза қилиш органлари 2020 йил январидан апрелигача 527 та химоя ордери чиқарган, 2019 йилнинг сентябридан декабригача бўлган даврда эса (хукукий механизм жорий этилган даврда) битта ҳам химоя ордери чиқарилмаган эди⁶⁹.

Ушбу сўровга киритилган саволлар уй зўравонлиги ҳолатлари ҳақида хабарлардаги ва маҳаллалар раҳбарлари орасида уй зўравонлиги бўйича ахборот даражасидаги ўзгаришларни, шунингдек, маҳаллада бундай зўравонлик муаммосини ҳал этиш учун кўрилган чораларни баҳолаш учун мўлжалланган эди. Бироқ жавоблар маҳалла вакиллари кўп ҳолларда уй зўравонлиги билан боғлиқ вазият бўйича фойдали маълумот бера олмасликларини кўрсатди. Мазкур ҳисоботнинг 1-бўлимида қайд этилганидек, маҳалла раҳбарларидан фуқаролар дуч келаётган энг кечиктириб бўлмас муаммоларни санаб бериш сўралганда, 10 та асосий муаммодан бештаси молиявий қийинчиликлар (ишсизлик, даромадларини йўқотиш, нархлар ошиши ва ҳ.к.) хусусида бўлди. 4-расмга қаранг. Респондентларга кўриб чиқиш таклиф қилинган саволлар рўйхатидан “хотин-қизларга нисбатан оиладаги зўравонлик” охириги ўринга тушди, уни респондентларнинг фақат 0,2 фоизи танлади. Бу ҳолат ушбу масалалар муҳим саналмаганини кўрсатади, аслида эса ҳаётда улар кўпинча иш йўқотиш, стресс, “оилавий машмашалар”, спиртли ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш ва ажралмоқчи бўлиш кабилар билан ёнма-ён юради.

Маҳаллалардаги уй хўжаликларининг фаровонлигига охириги 30 кун ичида эҳтимол юз бериб, таъсир қилган ҳолатлар сони ҳақидаги саволга респондентларнинг аксарияти хотин-қизларга нисбатан оиладаги зўравонлик ҳолатлари сони ўзгаришсиз қолди (71%) ёки ҳақиқатан камайди (27%) деб жавоб берди. Қуйидаги 14-расмга қаранг.

14-расм. Маҳалла аҳолиси учун энг муҳим деб тан олинган муаммолар охириги 30 кун ичида қай тарзда ўзгарди (фақат алоҳида тоифалар учун)?



Бу хулосаларнинг ҳар бирини эҳтиёткорлик билан талқин қилиш керак ва улардан оиладаги зўравонлик жиддий муаммо эмас деган тахмин учун фойдаланмаслик лозим. Биринчидан, маҳаллалар

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маълумотлари, 2020 йил 16 июль. <https://telegra.ph/Operativnaya-svodka-Ministerstva-vnutrennih-del-po-sostoyaniyu-na-6-12-iyulya-2020-g-07-16>
⁶⁹ Опарина Д. Ўзбекистон: семейное насилие во время коронавируса продолжается: Центральноазиатское бюро аналитической журналистики (CABAR), 20 мая 2020 г. <https://cabar.asia/ru/uzbekistan-semejnoe-nasilie-vo-vremya-koronavirusa-prodolzhaetsya/>

вакилларининг чорак қисмидан кўпроғи оилавий зўравонлик ҳолатларининг сони кучли молиявий ва рухий зўриқиш даврида камайди деб ҳисоблашлари шуни билдирадики, зўравонликдан азият чекканлар илгари очиқ бўлган қўллаб-қувватлаш манбаига йўл топа олмаганлар, холос, шунинг учун бундай ҳолатлар яна ҳам яширин тус олган. Респондентлар оилавий жанжал ва ажралишлар сони оиладаги зўравонлик ҳолатларига нисбатан кўпайган деб ҳисоблайдилар. Бу натижалар оиладаги зўравонлик жуда кўп ҳолатларда шунақа можаролар ва никоҳни бекор қилиш учун сабаб бўлишини тушунмаганликдан гувоҳлик беради. Бундан ташқари, уй зўравонлигига респондентлар кам эътибор қаратишлари хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва зўравонликдан жабрланганларни ҳимоя қилиш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар билан мос келмайди.

Тадқиқот саволларида уй зўравонлиги ҳолатлари сонининг кўпайгани, камайгани ёки олдинги даражада қолгани борасида аниқлик мавжуд эмас, чунки сўров ўтказилган давр COVID-19 гача бўлган давр билан таққосланган эмас. Шу сабабли респондентлардан уларнинг маҳаллаларида сўровдан 30 кун олдин хотин-қизларга нисбатан уйларида зўравонлик ҳолатлари бўлган-бўлмаганлиги тўғридан-тўғри сўралмаган. Респондентларнинг асосий кўпчилиги (98,9%) бунақа можаролар бўлмаган деб жавоб беришган. Бунақа ҳолат барча минтақалар учун бир хил, лекин шаҳар ҳудудларидаги респондентлар қишлоқ жойлардаги респондентларга нисбатан уч баробар кўп уй зўравонлиги ҳолатлари ҳақида хабар қилганлар. Ўз маҳалласида хотин-қизларга нисбатан оиладаги зўравонлик ҳолатларини тасдиқлаган респондентлар сўнгги 30 кун ичида юз берган биттадан учтагача ҳолат ҳақида билдирганлар. Бундан ташқари, оиладаги зўравонликнинг умумий ва даврий моделлари ҳисобга олинса, тадқиқот термасига ҳақиқатан уй зўравонлиги юз бермаган маҳаллалар киритилган бўлиши эҳтимолдан йироқ, айниқса шу даврда жабрдийдаларнинг ички ишлар идораларига ва кўмак бериш ишонч телефонларига мурожаат қилганлари тўғрисида бошқа манбалардан олинган маълумотлар ҳисобга олинганда.

Бироқ зўравонликдан жабр кўрганлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тўғридан-тўғри, маҳалла кўмиталарининг иштирокисиз боғланган, ишонч телефони орқали ёрдам олган ёки маҳаллий марказлар ёки ноҳукумат ташкилотларига мурожаат қилган бўлишлари мумкин. Агар шунақа бўлган бўлса, у ҳолда нима учун маҳалла раҳбарлари фуқароларнинг, айниқса хотин-қизларнинг аҳолидан яхши хабардор эмаслар ва, аниқроғи, оилада зўравонлик юз берганини билмайдилар, деган савол туғилади. Бошқа тахмин шундан иборатки, баъзи маҳаллаларнинг раҳбарлари оиладаги зўравонликни хотин-қизлар ҳуқуқининг бузилиши деб тан олмайдилар ёки билмайдилар. Эҳтимол, маҳалла раҳбарлари сўровномани тўлдиришда оиладаги зўравонлик ҳолатларини очиқ тан олиш маъқул эмас деб ҳисоблаган бўлишлари мумкин, холос. COVID-19 пандемиясидан олдин оиладаги зўравонлик юзасидан тадқиқотда (умуман аҳоли орасида) респондентларнинг 60 фоизи уй зўравонлиги бўлмаган деб билдирган; фақат икки фоизи жисмоний зўравонлик бўлган деб ҳисоблайди⁷⁰. Шундай қилиб, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик мавзусининг ўзи тақиқланган ҳамда сиртдан яхши ва соғлом оилавий муносабатлар кўринишини сақлаб туришга кучли мойиллик мавжуд деган хулоса қилиш мумкин. Бундай муносабат зўравонликдан жабр кўрганларга қўрқув ва уят ҳисси туфайли ёрдам сўраб мурожаат қилишларига нафақат имкон бермайди, балки уй зўравонлигини аниқлаш ва унинг авж олишига йўл қўймаслик мақсадида мавжуд бўлган тузилмаларнинг ўзи самарали ишламаслигини билдиради.

Хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотларининг таъкидлашича, уй зўравонлигидан жабр кўрганлар “тамға” босилиб, яққаланадилар ва зўравонликда айбланадилар, шунинг учун жамоатчиликнинг билимларини ошириш кампаниялари, “гендер зўравонлигига қарши 16 кун фаол ҳаракатлар” кабилар бу хил зўравонликка йўл қўйиб бўлмаслигини ҳамда зўравонлик жабрланувчиларини қўллаб-

⁷⁰ Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси бажарилиши тўғрисида ҳисобот, 2019 г. - 28-б.

қувватлашни тарғиб қилиш учун муҳим аҳамиятга эга⁷¹. Маҳаллаларнинг раҳбарлари нафақат зўравонликка нисбатан мурасасизликни рағбатлантириш учун, балки профилактика ишларини кучайтиришда уларнинг вазифаларини тушунтиришга қаратилган мақсадли ахборот ва маърифий қўлланмалар олиб туришлари ҳам жуда муҳим.

Респондентларга улар маҳаллаларида хотин-қизларга нисбатан содир этилаётган оиладаги зўравонлик ҳолатлари ҳақида кўпроқ қайси манбалардан билишларини таърифлаш таклиф қилинди. Юқорида кўрсатилганидек, асосий кўпчилик бунақа зўравонлик ҳолатлари уларнинг маҳалласида бўлмаганини билдирди (бу муайян вақт оралиғига тегишли ёки умуман деб талқин қилиндими, буниси номаълум)⁷². Оиладаги зўравонлик мавжудлигини тан олганлар бу ҳақида зўравонлик жабрланувчиларининг ўзидан (17%), оиласидан ёки дўстларидан (16%) кўра, бошқа фуқаролардан (респондентларнинг 28,4 фоизи шундай жавоб берди) ёки ташқи муассасалардан (ички ишлар органлари ва хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотлари жавобларнинг 21 фоизини ташкил этди) билиб олишлари эҳтимоли кўпроқ эканини айтдилар. Қуйидаги 15-расмга қаранг. Яна шуни таъкидламоқчимизки, маҳалла фаоллари камдан-кам оиладаги зўравонлик ҳолатлари ҳақидаги хабар манбасига айланган, аноним кўнғироқлар ҳам ахборот манбаи сифатида жуда кам қайд этилган.

15-расм. Агар хотин-қизларга нисбатан оиладаги зўравонлик ҳолати юз берса, бу ҳақида кўпроқ қай тарзда хабар топасиз?



Сўров ўтказилишидан олдинги 30 кун ичида оиладаги зўравонликнинг аниқ ҳолатларини ҳал этиш учун қандай чоралар кўрилгани тўғрисидаги саволга қарийб 80 фоиз респондентлар уларнинг маҳалласида ўша даврда бунақа ҳолатлар бўлмади, деб таъкидлаган. Қолганларнинг деярли чорак қисми (жами 23,8%) оила аъзолари ёки зўравонлик айбдори билан суҳбат ўтказганини айтган. Аксинча, жабрланувчининг энг зарур эҳтиёжларини қондириш учун камроқ ҳаракат қилинган (масалан, тиббий ёрдам кўрсатиш, вақтинча турар жой бериш, махсус ноҳукумат ташкилотига мурожаат қилиш). Қуйидаги 16-расмга қаранг. Шуниси диққатга сазоворки, респондентларнинг тўрт фоизи зўравонлик жабрланувчиси учун ҳимоя ордери берилиши ҳақида ариза киритишга кўмаклашганини билдирди. Бу респондентларнинг жуда кичик фоизи бўлса ҳам, шуни ёдда тутиш лозимки, ҳимоя ордерлари механизми сўров ўтказилган вақтда нисбатан янгилик эди. Ҳимоя ордерлари ҳақидаги саволга жавоб берган респондентларнинг энг кўп сони Тошкент шаҳрида бўлиб,

⁷¹ Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси бажарилиши тўғрисида ҳисобот, Ўзбекистон ННТ ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолияти бўйича, 2019 й. – 7-б.

⁷² Респондентлар биттадан кўп маълумот манбасини танлаши мумкин эдилар.

бу нарса пойтахтда маҳалла раҳбарлари ушбу механизм ва ариза бериш жараёни билан яхши таниш эканликларидан ёки маҳалла раҳбарияти билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида яқинроқ алоқа мавжудлигидан далолат беради.

16-расм. Ўтган 30 кун ичида хотин-қизларга нисбатан оиладаги зўравонлик ҳолати аниқланганидан сўнг қандай чоралар кўрилди?



Оиладаги зўравонликни эрта аниқлашда ва унинг авж олишига йўл қўймасликда маҳаллаларнинг муҳим ўрни ҳисобга олинса, юқорида баён қилинган чоралар ташвишга солади. Зўравонлик айбдорлари билан суҳбат ўтказиш, айниқса бу соҳада мутахассис бўлмаганлар томонидан, бу нарса ўрганилган мамлакатларда⁷³ зўравонликнинг олдини олишда, нари борса, самарасиз механизм деб тан олинган, ёмон ҳолатларда эса жабр кўрганларни янада каттароқ хавф остида қолдириши мумкин (айниқса айбдор учун ҳуқуқий оқибатлар мавжуд бўлмаса). Илғор тажриба зўравонликдан жабрланганларнинг хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш биринчи навбатдаги вазифа сифатида муҳимлигини ва уларга ихтисослашган, масалан, ноҳуқумат ташкилотлар ёки хотин-қизлар марказлари мувофиқлашган асосда тақдим этадиган ёрдам олиш имконини бериш зарурлигини таъкидлайди.

Сўров натижаларининг кўрсатишича, маҳалла раҳбарияти зўравонликдан омон қолганларни хизмат кўрсатувчи муассасаларга юбориш тажрибаси чекланган ва ҳатто маҳаллий даражада мавжуд бўлган хизматлардан хабардор бўлмасликлари мумкин.

Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа тегишли идоралар билан фаолроқ ҳамкорлик қилиш муҳимлигини таъкидлаш мумкин. Хусусан, фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажариш профилактика катта инспектори, ушбу лавозим мавжуд бўлмаган тақдирда профилактика инспектори зиммасига юклатилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги

⁷³ Қаранг, масалан, Европа кенгаши, 2014 й. Оиладаги зўравонлик ва жинсий тазйиқ билан кураш бўйича дастур: Истанбул конвенцияси 16-моддаси, <https://rm.coe.int/CoERMPublicCommonSearchServices/DisplayDCTMContent?documentId=090000168046e1f2> Ушбу ҳужжатда оиладаги зўравонлик айбдорлари билан ишлашда самарали саналган усуллар, изчилликни таъминловчи минимал амалиёт стандартлари ҳамда ҳуқуқбузарлар ишига ҳар қандай аралашувда риоя қилиш лозим бўлган асосий тамойиллар баён қилинади.

даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сонли Фармонининг 16-банди).

Респондентлар белгилаган ҳаракатлар улар COVID-19 пандемияси даврида талаб этиладиган чораларга қарашларига тўлиқ мос келади. Респондентларнинг ярмига яқини рухий ёрдам кўрсатиш, кейин эса ҳуқуқий маслаҳат бериш зарурлигини белгилади. Камчилик оиладаги зўравонликка жавоб қайтаришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг кўмагини кучайтиришга бўлган эҳтиёжни кўрсатди, респондентларнинг яна ҳам кичик гуруҳи эса хотин-қизларни қамраб олишни (бевосита ахборот бериш ёки ишонч телефонлари сонини кўпайтириш орқали) кенгайтиришни ёки зўравонликдан жабрланганлар учун ихтисослаштирилган хизматларни кенгайтиришни таклиф қилди. 17-расмга қаранг.

17-расм. COVID-19 авж олган даврда оиладаги зўравонликка дучор бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун қандай чоралар зарур?




Оиладаги зўравонликдан жабр кўрганларга руҳшунос маслаҳатини бериш керак деган фикрнинг устун турганлиги маҳаллалар раҳбарияти таклиф қиладиган ёрдам, биринчи навбатда, жабр кўрган оила аъзолари ва зўравонлик айбдорлари билан суҳбат шаклини олишини изоҳлайди. Шуниси ноаниқки, оиладаги зўравонлик жабрланувчиларини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги саволга жавоб борми ёки респондентлар (i) зўравонликдан жабр кўрганларга бундай шаклдаги ёрдам бериш умуман зарур деб ҳисобламайдилар, (ii) мавжуд хизматлардан қониқадилар (яъни улар ишонч телефонлари операторлари сонини кўпайтириш зарур деб билмайдилар) ёки (iii) мавжуд ишонч телефонлари, хотин-қизлар марказлари ва ННТ ҳақида ҳамда улар қандай ишлаши ҳақида билмайдилар.

Ходимлар хотин-қизларни оиладаги зўравонликдан яхши ҳимоя қила олиши учун маҳаллада қанақа турдаги ёрдамни респондентлар энг зарур ҳисоблайди, деган бевосита саволга жавоблар бундан олдинги саволларга жавобларни чуқурроқ тушуниш мазмунига эга. Респондентларнинг ярмига яқини бундай ёрдамга эҳтиёж бўлмаган деб жавоб берди. Қуйидаги 18-расмга қаранг. Бироқ учдан бир қисмидан ортиғи оиладаги зўравонликнинг олдини олиш усуллари ҳақида кўшимча маълумот олиш зарурлигини билдирди. Сўровноманинг бошқа саволларига жавоблар бу соҳалар маҳалла раҳбарлари учун алоҳида муҳим эканлигини кўрсатиб турган пайтда, оиладаги зўравонлик ҳолатларини аниқлаш учун ўз шахсий имкониятларини яхшилаш ёки зўравонликнинг бунақа шакли ҳақидаги нотўғри тасаввурларни йўқотиш зарур эканлигини респондентларнинг жуда озчилиги кўргани

ташвишланарлидир. Ниҳоят, респондентларнинг ўн фоиздан камроғи қўллаб-қувватлашга эҳтиёжни оиладаги зўравонлик жабрланувчилари билан бевосита иш олиб боришда кўрди.

18-расм. Сизнинг маҳаллангизда хотин-қизларни оиладаги зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида масъул ходимларга қанақа ёрдам зарур?



Гендерга таъсирчан етакчиликка эҳтиёж

Сўровномага берилган жавоблардан нотўлиқ хулосалар қилиш мумкин бўлса ҳам, муайян жавобларнинг кўплиги маҳаллаларнинг раҳбарлари хотин-қизлар учун энг долзарб муаммоларни умуман ва COVID-19 пандемиясига жавоб тариқасида тушунмаслигидан далолат беради. Масалан, сўровгача бўлган даврда оиладаги зўравонликка дучор бўлган хотин-қизлар дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлар юзасидан уларнинг фикри ҳақидаги саволга асосий кўпчилик уларнинг маҳалласида оиладаги зўравонлик ҳолатлари бўлмаган деган жавобни такрорлади (респондентларнинг 92 фоизи). Сони кўплиги бўйича кейинги ўринни “жавоб беришга қийналаман” жавоби эгаллади – респондентларнинг деярли 5 фоизи. Фақат кам сонли респондентларгина хотин-қизларнинг ёрдам сўраб мурожаат қилганларида карантинни бузганлик учун жазоланиш олдидаги шахсий хавотирлари (2,4%) ёки хизматлар имконияти мавжуд эмаслиги (қўллаб-қувватлаш марказлари ёки вақтинча турар жой; икки фоиздан камроғи белгилади) каби муаммоларни таъкидладилар. Оиладаги зўравонликдан жабрланганларга кўмак беришда эҳтимол тutilган қийинчиликлар ҳақидаги саволга жавоблар орасида сўровномага “хотин-қизларда ишонч телефонига қўнғироқ қилиш имкони йўқ” деган вариант киритилган эди, лекин, кўринишича, респондентларнинг ҳеч бири бу жавобни танламади. Бу жавоблар маҳалла раҳбарлари томонидан оиладаги зўравонлик муаммосини англаб етиш даражасининг якуний далили бўлмаса-да, умуман олганда, хотин-қизлар карантин даврида, зўравонликда айбдорлар вақтнинг кўп қисмида бирга бўлиб, хотин-қизларни янада кўпроқ назорат қилиши эҳтимоли бўлган даврда хотин-қизлар ўзларининг шахсий хонадонларида дуч келадиган жиддий хавфларга эътибор етарли эмаслиги кузатилади.

Худди шунингдек, респондентларнинг хотин-қизлар зиммасидаги уй ишлари ҳажми ёки аввалгидек қолди, ёки камайди деган жавоблари ҳам кутилмаган ҳолатдир. Тадқиқот ўтказиш даврида чекловлар бир қадар сусайтирилган бўлишига қарамадан, улар хотин-қизларнинг иш юкласини камайтиришга таъсир қилгани эҳтимолдан узоқ. Аксинча, Бутунжаҳон банки каби ташкилотлар огоҳлантиришича, COVID-19 пандемиясини тўхтатиш учун қабул қилинган чоралар туфайли “хотин-қизлар ўз вақтларига нисбатан сезиларли юкламани бошдан кечирадилар, бунда уларнинг бир неча


мактабларни назорат қилиш вазифалари ҳисобга олинади, чунки мактабларни ёпиш ва эркинликни чеклаш чоралари қўрилиши мумкин, бу эса иш вақтининг қисқаришига ва меҳнат бозоридан доимий равишда кетишга олиб келади”⁷⁴. Маҳаллаларнинг раҳбарлари, бу кўпинча жамиятда бўлганидек, хотин-қизлар ҳар куни бажарадиган ҳақ тўланмайдиган иш ҳажмига унча эътибор бермасликлари ва шунинг учун хотин-қизларга таъсир қандай бўлганлиги борасида аниқ баҳо бера олмасликлари эҳтимолдан холи эмас. Раҳбарлар орасида хотин-қизлар вакиллариининг сонини кўпайтириш, улар хотин-қизлар фаровонлигига нисбатан хавфлар билан яхши кураша олишлари мақсадида маҳаллаларнинг раҳбарлари билан ҳар тарафлама иш олиб боришни давом эттиришга зарурат мавжуд.

5. Маҳаллаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги эҳтиёжларини баҳолаш

Зарур моддий ёрдам шакллари

Маҳаллаларнинг раҳбарлари орасида COVID-19 пандемияси шароитида аҳолига янги шаклларда ёрдам кўрсатишнинг муҳимлиги тўлиқ англаб етилмаган. Респондентларнинг 80 фоизидан ортиғи ёрдамнинг асосий шакли сифатида заиф уй хўжаликларига озиқ-овқат тўпламларини тарқатишни кўрсатган, 60 фоизи озиқ-овқатлар пасайтирилган нархларда сотиладиган кўчма озиқ-овқат бозорларини ташкил этишни белгилаган, шаҳар ва қишлоқ маҳаллалари ўртасида катта фарқ бўлган эмас. Жамоатчилик кўнгиллиларининг ишини қўллаб-қувватлаш ёки мувофиқлаштириш эҳтиёж энг кам хизмат сифатида баҳоланган. Қуйидаги 19-расмга қаранг. Бу жавоб одамлар кўнгиллилар фаолияти билан шуғулланадиган бошқа институтлар (эҳтимол, ННТ ёки диний ташкилотлар) мавжудлигини акс эттирадимми-йўқми ёки маҳаллалар раҳбарияти, одат бўйича, маҳаллаларнинг ички имкониятларига эмас, ташқи ёрдам шаклларига суянадими, аниқ эмас.


19-расм. COVID-19 га қарши курашиш даврида маҳаллангиз аҳолисини қўллаб-қувватлаш бўйича қандай хизматларни энг зарур деб ҳисоблайсиз?



⁷⁴ Қаранг: World Bank Group, Policy note: Gender dimensions of the COVID-19 pandemic, 16 April 2020, <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/33622>

Сўров ўтказиш вақтида маҳалла аҳолисига зарур бўлган ёрдам шакллари тўғрисидаги саволга жавобларнинг энг оммалашган варианты (ёрдамнинг ҳар бир тури бўйича респондентларнинг 30 фоиздан ортиғи берган) янги иш жойларини яратиш дастурлари, ёрдамга бериладиган қарз маблағлари ҳамда уй хўжаликлари учун ҳимоя воситалари ва озиқ-овқат тўпламларини бериш бўлди. Респондентларнинг 20 дан 25 фоизгача жойлардаги дўконларда етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини ва тиббий хизматлар олиш имконияти билан таъминлашни кўрсатди. Тахминан 18 фоизи мавжуд иш ўринларини сақлаб қолишни, солиқ имтиёзлари беришни, коммунал хизматлар учун тўловларни ортга суришни ва пул имтиёзлари кўринишида ёрдам беришни кўрсатди. Шундай қилиб, зарур ёрдам шакллари орасида респондентлар, биринчи навбатда, қулай иқтисодий шароитларни таъминлаш ва кейинчалик зарур тиббий товарлар ва хизматлар тақдим этишни, ундан сўнг озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор етказиб туришни белгиладилар. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, болаларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш, аҳолининг руҳий саломатлиги муаммоларини ҳал этиш ёки оиладаги зўравонликнинг олдини олиш каби мураккаб ижтимоий муаммолар респондентларнинг кўп бўлмаган қисми томонидан белгиланди. Масалан, фақат икки фоизга яқин респондентларгина мазкур ҳисоботнинг бундан олдинги бўлимида батафсил муҳокама қилинган мавзу – оиладаги зўравонлик жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш зарурлигини тан олдилар. Пандемия оқибатлари иқтисод чегарасидан чиқиши ҳисобга олинса, маҳаллалар ўз жамоаларида юзага келадиган бошқа муаммоларни ҳал этишга тайёр бўлмаслиги мумкин.

20-расм. COVID-19 оқибатларига қарши туриш учун ҳозирги вақтда маҳаллангиз аҳолисига қандай ёрдам керак?




Ёрдам сўровлари ва уларни тақдим этиш

Сўров натижаларига кўра, респондентларнинг деярли 90 фоизи уларнинг маҳалласидаги фуқаролар COVID-19 пандемияси муносабати билан ёрдам сўраб мурожаат қилганлигини билдирди. Ёрдам сўраб мурожаат қилганлар ва ёрдам олаётганларнинг аксариятини хотин-қизлар ташкил этади ва 65 фоиздан ортиқ аризачилар ва ёрдам олувчилар ёлғиз кекса кишилар бўлган. Бу рақамлар маҳаллаларда аҳолига моддий ёрдам кўрсатишда асос бўладиган ҳомийлик ва ижтимоий ёрдам мавжудлигидан далолат беради. Албатта, “кекса кишилар” тоифасига кўпроқ аёллар ҳам киради, шунинг учун ажратиб кўрсатишдан унчалик фойда йўқ. Бундан ташқари, сўровнома респондентлар ёрдам олувчи бу иккала тоифанинг ҳам фақат умумий сонини кўрсатишига имкон берар эди. Эҳтимол, аёллар ўз уй хўжаликлари учун ижтимоий ёрдам сўровчи вазифасини олган бўлишлари мумкин, шунинг учун кўп сонли хотин-қизлар ёрдам олганлиги ундан ягона ўзлари фойдаланган деган кўрсаткич бўла олмайди.

Маҳалла вакилларининг 92 фоиздан ортиғи ёрдам сўраб ёзилган мурожаатларнинг аниқ ёки бирмунча яқин сонини айта олди. Молиявий ёрдам олаётганлар сонини деярли ҳамма билади ва 95% дан кўпи ёрдам аёлларга берилган ёки кекса кишиларга (кекса кишилар ҳолатида сўровномада одам жинси кўрсатилмаган) берилган эканлигини айта олди. Сўровномада ёрдамнинг тури ҳам

аниқлаштирилмаган, лекин карантин даврида давлат молиявий кўмак, озиқ-овқат тўпламлари ва дорилар бериб турди.

21-расм. COVID-19 сабабли маҳаллаларга ёрдам сўраб қилинган мурожаатларнинг ўртача сони



Умумий сўровнома бўйича ёрдам сўраганларнинг ўртача сони маҳаллага 37 кишини ташкил этган бўлиб, шундан 35 та ариза қониқтирилган. Таққослаш учун: Ўзбекистонда бир маҳаллага ўртача 300 га яқин уй хўжалиги тўғри келади. Хотин-қизлар томонидан берилган аризаларнинг ўртача сони бир маҳаллага 21 тани ташкил қилди ва улардан ёрдам ҳақида илтимосларнинг деярли барчаси қониқтирилган. Кекса кишилардан олинган ва қониқтирилган аризаларнинг ўртача сони бир маҳаллага бештани ташкил қилади. Умуман ёрдам сўраб қилинган мурожаатларнинг 70,3 фоизи аёллар ёки кекса кишилардан. Аниқ ким ёрдам сўраган ва олганлиги, масалан, жинси ва ёши бўйича ҳамда бошқа ижтимоий ҳолатлари (бўйдоқ / уйланган / ажрашган / бева, болали ёки боласиз оилалардан, бандлик ҳолати ва ҳ.к.) бўйича тақсимлаб кўрсатилган қўшимча маълумот фойдали бўлар эди.

Маҳалла институти мустаҳкамланиши зарур

Маҳаллалар вакилларида маҳалла қўмиталари пандемия даврида аҳолини яхшироқ қўллаб-қувватлаши учун имкон туғдириши мумкин бўлган эҳтиёжлари тўғрисида маълумот бериш сўралди. Энг кўп берилган жавоблар тузилманинг ўзини қайта ташкил этиш, чунончи, қўмиталарни замонавий техника билан жиҳозлаш, бюрократик ҳисоботларни камайтириш ва маҳалла ходимларининг иш ҳақини ошириш (респондентларнинг тахминан 47-49 фоизи белгилади) масалаларига доир бўлди. Навбатдаги энг кўп тарқалган жавоблар маҳалланинг кредитлари бўйича фоиз ставкаларини камайтириш, жойлардаги савдо ярмаркаларини қўллаб-қувватлаш (у ерда аҳоли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиши мумкин), озиқ-овқат тўпламлари сонини кўпайтириш каби молиявий ва моддий ёрдам беришга ҳамда маҳалла қўмиталари билан соғлиқни сақлаш ташкилотларининг ҳамкорлигини яхшилашга тегишли эди (респондентларнинг 20 дан 25 фоизигача белгилади). Маҳалла раҳбарлари томонидан белгиланган ёрдамнинг энг зарурат кам турлари сирасига санитария чоралари билан ёрдам кўрсатиш (маҳалла идоралари учун) ва COVID-19 ҳақида ахборот / маърифий материаллар тақдим этиш киритилди (буларни 8-11% респондентлар кўрсатди). 15 фоиздан камроғи маҳалла қўмитаси алоҳида ёрдамга муҳтож эмаслигини билдирди. COVID-19 ҳақидаги ахборот материалларига эҳтиёж мавжуд эмаслигининг аниқланиши сўров ўтказиш муддатини ҳамда, маҳалла раҳбарлари қайд этганидек, аҳоли пандемия ҳақида етарлича билимга

эгалитини акс эттиради. Бироқ, COVID-19 дан даволанган шахслар тўғрисидаги саволларга жавоблар “тамға” босиб яккалаш (стигматизация) анча юқори даражада эканидан гувоҳлик бераётганини ҳисобга олиб, кўрқув ва хавотирларни йўқотиш учун аҳолининг билимларини мақсадга йўналтирган ҳолда оширишга зарурат пайдо бўлиши мумкин.

Бу хилдаги қарамлик кайфиятларини оилаларни ишбилармонлик фаолиятига жалб этиш жараёнини кенгайтириш ва маҳалла институтининг ўзида аҳолининг ижтимоий фаоллигини кучайтириш ҳисобига енгиб ўтиш мумкин.

ТАВСИЯЛАР

1. Маҳаллалардаги аҳолининг иқтисодий фаоллигини ва бандлигини тиклаш бўйича чора-тадбирлар

1.1. Меҳнат талаб қиладиган соҳаларда кичик ва ўрта бизнеснинг тез суръатда тикланишига ёрдам берадиган иқтисодий сиёсатга ўзгартиришлар киритиш. Бу маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес корхоналари (сартарошхоналар, кийим-кечак, пойафзалларни таъмирлаш ва бошқалар) ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотувчи корхоналарни маҳаллаларда барча санитария меъёрларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишларига рухсат беришни ўз ичига олади.

Иқтисодий тикланишни рағбатлантириш чоралари қўшилган қиймат занжирларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиш керак. Масалан, хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш соҳаларининг иқтисодий самарадорлигини тиклаш таълим муассасалари, қурилиш, йирик савдо марказлари ва бошқа муҳим меҳнат ресурсларини сафарбар этувчи объектлар фаолиятини қайта тиклаш билан амалга оширилиши керак. Шу билан бирга, шаҳар ва шаҳарлараро транспортнинг фаолияти чекланган бўлса, уларнинг фаолиятини тўлиқ тиклаш қийин кечади.

Қўллаб-қувватлаш чоралари қишлоқ жойларида ҳосилни йиғиш мавсуми ва уни сотишга карантин шароитининг салбий таъсирини камайтириш учун мавсумий омилларни ҳам ҳисобга олиши керак, айниқса, хусусий секторда бу катта аҳамиятга эга. Балки, бунинг учун Вазирлик тегишли идоралар билан биргаликда мамлакат ҳудудларида етиштирилаётган фермерлар ва уй хўжаликлари етиштираётган ҳосилини тўлиқ сотишларини таъминлаш учун тижорат харид тузилмалари, шу жумладан хорижий тузилмалар ишларини мувофиқлаштиришни ташкил этиши кераклигини кўрсатади.

1.2. Маҳаллаларда кичик хусусий бизнес учун қулай шароит яратиш орқали оилавий тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш. Оилавий бизнес хотин-қизлар ва ёшлар (йигит-қизлар) учун иш ва даромад манбаи бўлиши мумкин. Бу борада маҳалла аҳолиси орасида харидоргир бўлган халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришга узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилиш ва хусусий секторни камёб саналувчи товарларни маҳаллий даражада импорт қилиш ёки ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга асосий эътибони қаратиб, маҳалла негизида кичик хусусий корхоналар яратилишини рағбатлантириш муҳимдир. Бунинг учун бошланғич капиталдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, масалан, тадбиркор аёлларга бериладиган имтиёзли кредитлар, банк хизматлари нархини сезиларли даражада пасайтириш ва маҳалла кафолати билан бериладиган кредитларни беришда гаров талабларини камайтириш талаб этилади. Маҳалла органлари халқаро тараққиёт учун узоқ муддатли кредитлар ва грантларнинг кафолати сифатида иштирок этиши мумкин.

Маҳаллалар асосида оилавий бизнесни яратиш Ўзбекистоннинг миллий ва маданий хусусиятларига мос келади, бу ерда анъанавий равишда оилавий алоқалар катта аҳамият касб этиб келган. Шунингдек, маҳаллаларда тор доирадаги мутахассислардан фойдаланишга ҳожат бўлмаган

тадбиркорлик фаолиятининг жуда оддий шакллари (қишлоқ хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш, тикувчилик ва бошқалар) яратиш мумкин. Шу билан бирга, оилавий бизнесда хотин-қизларнинг ролини ошириш бўйича ҳар қандай ташаббуслар даромадсиз рўзгор юмушларини кўпайтирадиган эмас, балки, уларнинг оғирлигини енгиллаштирадиган чоралар кўрилишини таъминлаши керак.

Вазирлик шартномавий ва маъмурий муносабатларни ўрнатишни (рухсат олиш, стандартлаштириш, солиқлар ва ижтимоий суғурта бадаллари, хайрия ва норасмий тўловларга қарши курашиш ва бошқалар) ўз ичига олган турли хил харажатларини қоплашга ёрдам бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиши мумкин. Умуман олганда, маҳаллаларга асосланган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш стратегияси тадбиркорларга кўпроқ иқтисодий эркинлик беришга, шунингдек халқаро ташкилотларнинг техник ёрдамини жалб қилишга йўналтирилган бўлиши зарур.

2. Ижтимоий ҳимоя сиёсатини энг кўп зарар кўрган қатламларга йўналтириш чоралари

2.1. Ижтимоий ҳимоя сиёсати янада самарали ва мақсадли бўлиши зарур, токи у максимал мультипликатив самара бера оладиган аҳоли қатламларини қамраб олсин. Шу йўл билан, сўрономада аниқланган энг кўп кўриб чиқилган кам таъминланган оилалар, кўп болали оилалар ва мигрантларга қўшимча равишда қуйидагилар киради:

- *18 ёшгача бўлган фарзандларини тарбиялаётган ёлғиз оналар.* Бу борада касб-хунар таълими тизимида ўқимайдиган ва стипендия олмайдиган катта ёшдаги болалари бор оилаларни қамраб олиш жуда аҳамиятли. Ушбу ёш гуруҳи ҳали ишга жойлашишга лаёқатсиз ва касбий маҳоратга эга бўлмаган, пандемия пайтида ишга жойлашиш имкониятига эга эмас, лекин шу билан бирга оилавий бюджет харажатларига сезиларли таъсир кўрсатиб келади.
- *Ёлғиз яшовчи ҳамда фарзандлари ва набиралари билан яшайдиган пенсионерлар.* Шунинг билан керакки, пенсионер оиланинг энг кекса аъзоси сифатида кўпинча оила бошлиғи ролини ўйнайди, оила даромадларининг оқилона тақсимланишини таъминлайди. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аъзолари ишидан айрилган оилаларда ижтимоий ёрдам чораларини кенгайтиришга нафақага чиққан оила кексаларини жалб қилиш маблағлардан янада самарали фойдаланиш имконини беради.
- *Расмий секторда ишини йўқотган меҳнатга лаёқатли шахслар.* Ушбу тоифадаги шахсларни уларнинг даромад солиғи ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимида бадалларни тўлашнинг мунтазамлигини кузатиш орқали аниқлаш мумкин. Икки ёки ундан ортиқ ой давомида бундай тўловлар бўлмаган тақдирда, 2020 йил март ойидан бошлаб иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича давлат органларига онлайн ариза билан мурожаат қилган шахс давлат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ушбу гуруҳларни қўллаб-қувватлаш учун маҳалла маъмурияти краудсорсинг ва кўнгилчилар ёрдамидан энг зарур эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиши мумкин, масалан, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа нарсаларни йиғиш, уй-рўзгор масалаларида ёрдам бериш учун тўловсиз миникредитлар, ижтимоий нафақалар олиш учун ҳужжатларни тўплашда ёрдам ва бошқалар.

Ишчи кучини уюшган равишда четга чиқариш бўйича давлат сиёсатини давом эттириш, ўзбекистонлик мигрантларнинг қабул қилувчи мамлакатларда (Россия, Қозоғистон, Туркия, Жанубий Корея) ишлаш шароитлари мониторингини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, қайтиб келганидан кейин меҳнат мигрантининг жамиятга қайта мослашиши ва иш излашини қўллаб-қувватлаш учун бошланғич маблағларга эга бўлиши учун миграция бошқаруви пул ўтказмаларининг қисман банк ҳисоб варақларида тўпланишини таъминлашга ёрдам беради.

2.2. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) доирасида қисқа муддатли касбий тайёргарлик курслари

орқали меҳнатга лаёқатли кишиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш. Бундай ДХШ дорасида Вазирлик меҳнатга лаёқатли одамларни қайта тайёрлаш харажатларини қоплаши мумкин. Бу каби ўқув курслари камида уч ой давом этиб, қурилиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, молия ва бошқарув ҳисоби, тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият турларини қамраб олиши мумкин. Ушбу ёндашувни қўллаш, бир томондан, таълим хизматларига бўлган талабни тиклайди, бошқа томондан, республикада инсон капиталини сезиларли даражада оширади, фуқароларга иқтисодий фаолиятда ўзини ўзи англаш учун кўпроқ имкониятлар яратади. Айниқса, таълим, иш ёки касбий малакаси йўқ (ТИКЙ) ёшларга таълим олишларига халақит берадиган COVID-19 пандемиясининг эҳтимолий салбий таъсирини камайтиришга алоҳида эътибор берилиши керак. Ёшларни ўқитиш ва уларнинг меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган даражада малакаларини ошириш бўйича муайян чоралар кўрилиши керак. Бундан ташқари, аёллар учун СТЕМ (фан, техника, муҳандислик ва математика) имкониятларидан тенг фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун стипендия ёки тарғибот ва гендер тарафқашликка қарши кураш каби махсус чора-тадбирлар самарали бўлиши мумкин.

2.3. Пандемия таъсирида бўлган ижтимоий гуруҳлар тўғрисидаги маълумотларнинг сифати ва улардан фойдаланиш имконияти ошириш. Бунга ижтимоий ёрдам сўраб мурожаат этаётган маҳалла аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича рақамли ечимларни (ахборот тизимлари, оғир вазиятдаги аҳоли қатламининг электрон регистрлари) ишлаб чиқиш, шунингдек, маҳалла ишчилари учун рақамли кўникмаларни ривожлантириш киради. Ушбу чора-тадбирлар, шунингдек, жамият вакилларининг жинси, ёши, даромади, машғулоти ва бошқа омиллар бўйича тақсимланган маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш салоҳиятини ошириш, маҳаллий жамоаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича далилларга асосланган қарорларни қабул қилишга ёрдам беради.

3. COVID-19 вирусининг хотин-қизларга таъсирини бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар

3.1. Ушбу жабҳада ҳақ тўланмайдиган рўзғор юмушларининг тенг бўлмаган юқини енгиллаштириш ва аёлларга ғамхўрлик қилиш бўйича чора-тадбирлар ниҳоятда аҳамиятли бўлиши керак. Давлат инвестициялари парваришлаш инфратузилмасига, айниқса, болалар ва қарияларга ғамхўрлик қилиш соҳаларига қаратилиши керак, бу эса барча фойдаланиши мумкин бўлган (айниқса қишлоқ жойларида) ва юқори сифатли парваришлаш хизматларини тақдим этади. Ушбу соҳага сармоя киритиш аёлларга тўғридан-тўғри иш билан таъминлаш имкониятини беради, шунингдек, кўпроқ аёлларнинг меҳнат бозорига киришига имкон беради (эҳтимол, қайта кириши мумкин), ишчи кучидаги гендер фарқини камайтиради. Шунингдек, рўзғор ва оилавий ҳаётда фаол иштирок этиш борасида мувозанатни таъминлашга ва эркакларни ушбу соҳада муҳимроқ рол ўйнашга ундашга эътибор қаратиш лозим.

3.2. Оиладаги зўравонлик ҳақида хабар берувчи кўпроқ каналлар яратиш. Аёлларнинг ўзига хос эҳтиёжларини бартараф этиш оилавий зўравонликни бошдан кечирган аёллар ва қизлар маҳалладан махфий ёрдам сўраш механизмининг жорий этишдан бошланиши мумкин. Бунга нодавлат аёллар ташкилотлари ва мутахассисларини ҳамкорликка жалб қилиш орқали эришиш керак. Пандемия пайтида уяли алоқа операторлари аёлларга ишонч телефонлари рақамларига ҳатто ҳисобида пул қолмаган ҳолатда ҳам (бепул) кириш имкониятини беришлари мумкин. Бу борада рақамли ечимлар ҳам (масалан, Telegram ботлари (каналлари) ёки мобил иловалар) маҳаллалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари тўғрисида хабар бериш учун яратилиши ёки ишлатилиши мумкин.

3.3. Оилалардаги зиддиятларни ва оиладаги зўравонлик ҳолатларини аниқлаш тизимини яратиш, оилавий зўравонликни бошдан кечирган оилалардаги аёлларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ёрдам (масалан, бирламчи психологик ва тиббий ёрдам, юридик маслаҳат ёки вақтинчалик бошпана) **билан таъминлаш тизимини яратиш бўйича маҳалла маъмуриятида гендер таъсирчанлик кўникмаларини ривожлантириш**, шунингдек, оилавий жанжалларни ҳал қилишда оилаларга профессионал ёрдам кўрсатиш. Гендер асосида зўравонликни аниқлаш ва олдини олиш, шунингдек, зўравонлик ҳолатларини бошдан кечирганларни тегишли қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллалар фаоллари учун махсус услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида нашр этиш зарур. Маҳаллалар учун аёлларга нисбатан зўравонлик жабрланувчиларини аниқлаш, олдини олиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ўқув дастурларини амалга ошириш лозим.

3.4. *Аҳолининг маънавий зўравонликка нисбатан билимини ва салбий муносабатини ошириш бўйича дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.* Таълим чораларидан ташқари, ушбу дастурларда оддий воситалар ва хулқ-атвор ғоялари, ижобий камситиш ва шу кабилардан фаол фойдаланиш, жамиятда аёлларга нисбатан зўравонликка қарши муросасизлик маданиятини тарғиб қилиш ва зўравонликнинг психологик, ҳиссий ва жисмоний турларини аниқлашга ёрдам бериш зарур. Бугунги кунда Ўзбекистонда оиладаги зўравонлик тушунчаси фақат жисмоний зўравонлик билан чекланган. Таҳдид, таъқиб ва психологик босим каби зўравонлик турлари эса ўзбек жамиятида ҳали ҳам “ҳақиқий” оилавий зўравонлик сифатида қабул қилинмайди.

Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш дастурлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан ишлаш билангина чекланиб қолмай, унга Маданият вазирлиги ҳам жалб қилиниши керак. Хусусан, телевидение, кинематография, театр томошалари учун стандартлар ва талабларни ишлаб чиқиш, уларнинг ҳар бирига оилавий зўравонликнинг турли кўринишларини, унинг оилалар ва болалар, жамият ва давлат учун салбий оқибатларини намоиш этувчи саҳналар қўшилишини таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, маданият арбоблари, кўшиқчилар, ёзувчи ва шоирлар оилада зўравонликни қоралаш ва аёллар ва эркаклар ўртасида тенглик ғоясини илгари суришда муҳим рол ўйнашлари мумкин.

4. Маҳалла органларининг COVID-19 вирусига қарши курашиш имкониятини ошириш бўйича чора-тадбирлар

4.1. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш учун вазирликнинг техник ва кадрлар ресурсларини яратиш. Бунинг учун янги ташкил этилган Вазирликнинг операцион эҳтиёжларини кондириш, унинг офисларини жиҳозлаш, рақамли инфратузилмани куриш, ногиронлар, гендер зўравонлигини бошидан кечирганлар, уй-жойсиз қолган одамлар каби турли маргиналлашган гуруҳлар билан самарали ишлашни таъминлаш учун унинг биноларининг инклюзивлигини ошириш орқали амалга оширилади. Вазирлик ходимлари учун халқаро илғор тажриба ва маҳаллий шароитни чуқур англаш асосида ижтимоий ҳимоя қилишнинг замонавий ёндашувлари бўйича салоҳиятни ошириш ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

4.2. COVID-19 пандемиясига қарши ҳукуматнинг алоқа стратегиясини такомиллаштириш, бунда тегишли COVID-19 муолажасини олганлардан хавф йўқлигини стигма ва камситишларга йўл қўймасликка асосий эътиборни қаратиш. Шунингдек, пандемия атрофидаги вазиятни ёритувчи материаллар сабаб-таъсир муносабатларини холис аниқлаш ва тасвирлаш учун танқидий таҳлилга асосланган бўлиши керак. Бу COVID-19 пандемиясига қарши чоралар, унинг таъсир ва оқибатларига жавоб беришда иштирок этадиган жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассисларнинг ваколатларини ва асосий субъектлар (Соғлиғни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар) фаолиятини кучайтиришни талаб қилади.

4.3. Ижтимоий ҳимояга нисбатан янги ёндашувларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш. Маҳаллаларда сони ўсиб бораётган моддий ёрдам тўғрисидаги сўровларни кондиритиш учун зарар кўрган аҳолига ҳомийлик ва гуманитар ёрдамни жалб қилиш имкониятларини ўрганиш зарур. Шу муносабат билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳомийлик маблағларини тўплаш ва тарқатиш учун халқаро гуманитар ташкилотлар, маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари ва кўнгилчилар жамоалари билан ҳамкорликни кенгайтириши мумкин. Бу эса маҳалланинг кекса аъзолари (оқсоқоллар) билан яқиндан маслаҳатлашиб, маҳаллий аҳолига зарур бўлган ёрдамнинг аниқ турлари ва шакллари аниқлаш ва миқдорини баҳолаш механизминини яратишни талаб этади. Шаффоликни таъминлаш ва ресурсларни жалб қилиш учун (мблағ йиғиш ёки краудсорсинг орқали) ушбу маълумотлар Интернетда эълон қилиниши керак.

Бугунги кунда кўнгилчилар ҳаракати Интернетда, биринчи навбатда Facebook ва Telegram каби ижтимоий тармоқларда жамланган. Жамоат фаолиятини янада самарали сафарбар қилиш, шунингдек, Интернетда юзага келиши мумкин бўлган фирибгарлик ҳолатларнинг олдини олиш бўйича Вазирлик фаолиятини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Кўнгилчилар билан янада самарали ҳамкорлик нафақат хайрия ёрдами йўналиши ва назоратини кучайтиради, балки пандемиянинг оғир даврида давлат бюджетига тушадиган юкни камайитиришга ёрдам беради.

Умуман олганда, кейинги ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш пакетларининг мақсадли йўналишини яхшилаш учун ҳукумат ва бошқа манфаатдор томонлар минтақавий ҳолатларни аҳоли зичлиги, урбанизация даражаси, йирик саноат корхоналарининг мавжудлиги ва бошқа барқарор даромад манбалари, мигрантларнинг кириб келиши ва чиқиб кетиши каби мезонларга мувофиқ тарзда яхшироқ кўриб чиқишлари керак. Қолаверса, карантин ҳосилни йиғиш ва сотиш мавсумига, айниқса хусусий секторга имкон қадар камроқ таъсир кўрсатиши учун мавсумий омилларни ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.

ИЛОВАЛАР Тадқиқот методологияси

Мақсад. Тадқиқотнинг асосий мақсади – COVID-19ни тўхтатиш бўйича профилактик чораларнинг Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий-иқтисодий фаровонлигига таъсирини баҳолашдир. Ушбу тадқиқот пандемияни чеклаш бўйича ҳукумат чораларининг тизимли оқибатлари моҳияти ва даражасини, уларнинг қўлами, интенсивлиги ва тахминий давомийлигини аниқлаш учун ўтказилган.

Ўтказилган пайт ва жой. Тадқиқот 2020 йил май ойидан июнь ойигача ўтказилди ва у Ўзбекистоннинг барча минтақаларини, хусусан: 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрини қамраб олди.

Респондентлар. Сўровномада 3 670 респондент иштирок этган бўлиб, улар маҳалла раислари (барча респондентларнинг 84,7%), уларнинг ўринбосарлари (12,8%), ва маҳалла фаолларидан (2,5%) таркиб топган. Сўров иштирокчиларининг йигирма беш фоизини аёллар ташкил этди. Респондентларнинг деярли учдан икки қисми (62,9%) кишлоқ жойлардаги маҳаллалар вакиллари дидир. Иштирокчилар маҳаллаларда олиб бориладиган барча ижтимоий тадбирларда бевосита иштирок этганликлари сабабли ўз жамоаларининг энг оғоҳ вакиллари сифатида қабул қилинди. Уларнинг фикрлари COVID-19 пандемияси даврида содир бўлаётган ўзгаришларни баҳолаш сифатида қаралиши ва алоҳида ночор вазиятларда бўлган одамларни қўллаб-қувватлашни ташкил этиш бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш учун маълумот манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Саволлар. Сўровнома 74 саволдан иборат бўлди. Сўровномага киритилган барча саволлар тадқиқотни қизиқтирадиган масалалар, хусусан, вирус билан боғлиқ фавқулудда ҳолатнинг инсон фаровонлигига таъсири каналларига жавоб олишга йўналтирилган эди (қуйида, 1-қизма). Барча

саволлар респондент тушунадиган ва техник жаргонлардан холи бўлган тилда тақдим этилди. Асосий атамалар бўлган “ҳукумат чоралари”, “кутилмалар” ва бошқалар оддий одамлар учун тушунарли тилда талқин қилинган.


Жавоб вариантлари ва уларнинг тартибида бетарафлик ҳисобга олинган. Шунингдек, жавоб бериш фойзиди максимал даражага кўтариш мақсадида жавоб вариантлари ва кўрсаткичлар мақсадли аҳоли гуруҳлари, уларнинг қобилият ва билимларига мос бўлиши учун синчиклаб танланган.

Сўровномага назорат саволлари киритилган (респондентнинг бир хил жавобга мойиллигини аниқлаш учун бир савол турли усулларда берилган). Тўлиқ жавоблар олиш мақсадида нозик ва алоҳида муҳим саволлар сўровноманинг охирига, респондентлар ўзларини кўпроқ маълумотга эга деб ҳис қиладиган пайтни ҳисобга олиб қўйилган. Респондентлар эътиборини жалб қилиш учун анкета етарли ҳажмга эга бўлиши кўзланиб, ундан унчалик муҳим бўлмаган саволлар чиқариб ташланди.

Сўровнома бир неча жавоб вариантларига эга саволлардан иборат саккиз қисмдан ташкил топган:

1. COVID-19 тарқалишининг аҳоли умумий фаровонлиги ва биринчи зарурат маҳсулотларини олишига таъсири.
2. COVID-19 тарқалишининг ижтимоий инфратузилма, товарлар ва хизматлар таъминотига таъсири.
3. COVID-19 тарқалишининг маҳалла аҳолисига умумий таъсири.
4. COVID-19 тарқалишининг ижтимоий заиф гуруҳларга таъсири.
5. Хотин-қизлар ва оиладаги зўравонлик.
6. COVID-19 тарқалишининг олдини олиш бўйича маҳалланинг фаолияти.
7. COVID-19га қарши-зарур чоралар ва жамоатчиликни қўллаб-қувватлаш.
8. Стигматизация (қоралаш).

1-чизма COVID-19 оқибатларининг инсон фаровонлигига таъсири асосий каналлари



Ҳар бир савол аҳолининг аҳоли, тахминлар ва сиёсат билан эҳтимолий натижалар ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида муайян фикр-мулоҳазаларни текширишни таъминлайди. Ҳукуматнинг энг самарали аралашувларини текшириш мақсадида қўшимча саволлар киритилди.

Маълумот йиғиш вақти ва усуллари. Сўровнома ихтисослашган консалтинг компаниялари томонидан телефон орқали ўтказилди.

Сўров маълумотларини йиғиш уч босқичда амалга оширилди:

1-босқич– 2020 йил, май ойининг бошида, чекловларнинг аҳоли ҳолатига таъсирини аниқлашга қаратилган.

2-босқич – 2020 йил июнь ойи ўрталарида, қисман карантин шароитида аҳолининг ҳолатини ўрганиш кўзда тутилган.

3-босқич – 2020 йил июль ойининг охирида, карантиндан кейинги даврда аҳоли ҳолатини ўрганишни мақсад қилган.

Мезонлар. Сўровда 9132 дан ортиқ маҳалладан 3670 таси қатнашди. Маҳаллалар танлаб олинishi мезони ҳам турлича. Шундай қилиб, айрим минтақаларда бошқаларига нисбатан кўпроқ маҳаллалар иштирок этган ва танлаб олинган натижалар умумий аҳоли параметрларининг аралаш баҳолари бўлиши мумкин. Шу сабабли, уларнинг иштирокини умумий нуктаи назардан қаралиши учун тегишли мезонлардан фойдаланилган.

